А.КОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

«ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА» ФАКУЛЪТЕТИ

«КАСБ ТАЪЛИМИ» БУЛИМИ

«МЕХНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ УКИТИШ УСЛУБИЯТИ» КАФЕДРАСИ

«КАСБ ТАНЛАШГА ЙУЛЛАШ»
ФАНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН

УКУВ-УСЛУБИЙ

# *М А Ж М У А*

Жиззах-2007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№БД 5142000-3.07
«13» августь 2006 й.

«Тасдиқланди»
Ўз.Р. ОЎМТВ
№ 186
«10» август 2006 й.

# КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШ

фани дастури

Билим соҳаси: 100000 – Таълим
Таълим соҳаси: 140000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани

Бакалавриат йўналиши: 5142000 – Меҳнат таълими

ТОШКЕНТ - 2006

Тузувчилар: педагогика фанлари номзоди, доцент Ш.С.ШАРИПОВ
Касб таьлими методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси Р.Г. МУЛЛАХМЕТОВ.
Касб таьлими методикаси кафедраси
ўқитувчиси О.А.ҚЎЙСИНОВ

Тақризчилар: педагогика фанлари номзоди,
доцент Р.Г.ИСЯНОВ
С.Раҳимов тумани 310 мактаб директори,
А. ФАТХУЛЛАЕВ

Дастур Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги «Таълим» ўқув-методик бирлашмасида кўриб чиқилган ва тавсия этилган.

2006 йил « 6 » июлдаги 11-сонли мажлис баёни.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил «8» июлдаги 14-сонли қайдномаси билан тасдиққа тавсия этилган.

Кириш

Фанни ўқитишдан мақсад ва вазифалар. «Касб танлашга йўллаш» фани талабаларнинг педагогика, психология, умумкасбий ҳамда махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга тадбиқ этиш, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида умуммеҳнат ва умумкасбий билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг методлари, ташкилий шакллари ҳамда воситалари, шунингдек, уларга оид режалаштирувчи ҳужжатлар мазмуни билан таништиришдан иборат.

«Касб танлашга йўллаш» фани қуйидаги вазифаларни ҳал этади: педагогик-психологик билимларни умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш жараёнида тадбиқ этиш; педагогик–психологик билимлар, бевосита танланган соҳаларга ва янги педагогик, ахборот технологиялари асосида методик муаммоларни ҳал этиш; меҳнат таълимини ўқитишни ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш жараёнида касб танлашга йўллаш ишларини ташкиллаштириш (ҳар бир касбга ўргатишнинг мазмуни ва ўзига хослигини минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда).

Касб танлашга йўллаш фанининг предмети.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш назарияси ва методикаси. Ёшларни касбга йўналтиришнинг назарий шарт-шароитлари: фаннинг мақсади; фаннинг вазифаси; фаннинг мазмуни.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастур. Касбга йўналтириш асослари тўғрисидаги таълимот: фан-техника ва ижтимоий тараққиёт; касбни тўғри танлашнинг аҳамияти; умуммеҳнат ва махсус малакаларни, касбга бўлган қизиқишни шакллантириш.

Касбга йўналтириш ишининг педагогик асослари.

Касб таълими методистига қўйиладиган талаблар: методистнинг касб танлашга йўллашда бошқарувчилик аҳамияти; методистга қўйиладиган талаблар; методистнинг психологик-педагогик, умумтехник ва умумтаълим тайёргарлиги. Касбга йўналтириш босқичларининг мазмуни: кузатиш; диагностик суҳбатлар; биринчи босқич - 1-4 синф; иккинчи босқич - 5-6 синф; учинчи босқич - академ лицей, касб- ҳунар коллежи.

Касбга йўналтириш ишининг мактаб тизими:

Ўқитувчининг шахси, фан ўқитувчилари, синф раҳбари; ўқув ишлари бўйича илмий мудир; Ўқув муассасаларида касб танлашга йўллаш услубиёти. Касб танлашга йўллаш комиссияларини ташкил қилиш; ўқитувчилар билан методик ишларни ташкил қилиш; ўқувчилар билан ишлаш; ота-оналар билан ишлаш.

Касбга йўналтиришнинг тарбиявий йўналиши.

Мактабда тарбиялаш дарсларда касб танлашга йўллаш; бошқа соҳа мутахассисликлар билан таништириш; ўқув муассасаси атрофидаги корхоналар билан таништириш. Мактабдан ташқари ташкилотларга экскурсияларни ташкил қилиш, оммавий ахборотларнинг аҳамияти. Касбга йўналтиришнинг ижтимоий ва психофизиологик асослари. Касбга йўналтириш ишларида ижтимоий асослари.Касбга йўналтириш ишларида психологик асослари.Касбга йўналтириш ишларида физиологик асослари.

Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишига тайёрлаш системаси. Касб танлашга йўналтиришнинг таркиби.Бўлажак ўқитувчиларнинг мутахассислигига асосланган ҳолда касбга йўллаш. Синф раҳбари.Синф раҳбарининг касб танлашда ўрни. Ўқув муассасаси раҳбарининг касб танлашни ташкил этиши.

Ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарларининг вазифаси.

Ўқув муассасасидан ташқари тарбиявий ишларнинг такомиллаштиришнинг иш мазмуни. Талабаларни касб танлашга йўллаш ишига тайёрлашнинг мазмуни. Ижтимоий-сиёсий циклдаги фанларини ўрганишда талабаларни касб танлашга йўллаш ишига ғоявий-назарий жиҳатдан тайёрлаш. Бўлажак фан ўқитувчиларга тайёрлаш жараёнида ўқув режаси билан танишиши. Ўқув дастурларида касб танлашга йўллаш тарбиявий имкониятлар. Ижтимоий-сиёсий циклдаги фанларни ўрганишда талабаларни касб танлашга йўллаш ишига ғоявий-назарий жиҳатдан тайёрлаш. Психологик-педогогик фанларни ўрганишда талабаларни касб танлашга йўллаш ишига назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш. Психология фанининг касб танлашга йўллашда назарий асослари. Педагогика фанини ўрганишда касб танлашга йўллаш жараёнида методик асослари. Мутахассисликка кириш фанининг мазмуни. Талабаларни касбга йўллаш системасидаги махсус, илмий ва умумий техник циклдаги фанлар.Талабаларни касбга йўллаш системасидаги махсус циклдаги фанлар.Талабаларни касбга йўллаш системасидаги умумий техник циклдаги фанлар.

Лаборатория машғулотлари

Касб ҳақида тушунча. Касблар классификацияларининг, умумий таърифи. Талабаларга «касб» тушунчасининг маъносини ёритиб бериш. Уларни касбларнинг классификациялари билан таништириш. Талабаларга ҳар бир соҳа касбларининг жамиятда тутган ўрни ҳақида маълумот бериш. Касблар мазмунини тушунтириш талабаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш.Касб типлари. Талабаларни касбларни меҳнат қуроллари бўйича таснифлаш (классификациялаш) кўникмаси билан қуроллантириш. Муайян типдаги касбга мойилликни аниқлаш.Ўз профессионал мавқеини белгилаш муаммосига қизиқишни ошириш. Касбларнинг туркумлари, гуруҳлари, булимлари. Талабалар меҳнат фаолияти соҳасини онгли равишда танлашлари учун уларда касблар оламини билиб олиш кўникмасини таркиб топтириш. Ўқувчиларни ўз шахсий сифатларини касбнинг инсонга қўядиган талабларига мувофиқлаштириш муаммоси билан таништириш. Касбнинг инсонга қўядиган талаблари. Талабаларда касбнинг одамдаги шахсий сифатларга, ўзига хос хусусиятларга қўядиган умумий талаблари тўғрисидаги билимларни шакллантириш. Профессионал режаларни яхши ўйлаб тузиш борасидаги фаолиятни фаоллаштириш. Меҳнатга меҳнат аҳолига ҳурматни тарбиялаш. Профессиограммма хакида тушунча. Талабаларга «профессиография», «профессиограмма» тушунчаларини англатиш, уларни касблар характеристикасини тузиш қоидалари билан таништириш. Ўз сифатларини танлаётган касбнинг ходимга қўядиган

талаблари билан таққослаш кўникмасини ривожлантириш. Касб танлашда йул куйиладиган типик хатолар.Талабаларга касб танлашда йўл қўйиладиган хатоликларни тушунтириш. Ўзининг профессионал режасини анализ қилиш кўникмасини шакллантиришда кўмаклашиш. Профессионал қизиқиш ва мойилликлар хакида тушунча. Талабаларни «профессионал қизиқиш», «мойиллик» тушунчалари билан таништириш. Анкета орқали сўров билан талабалардаги етакчи қизиқишларни аниқлаш. Талабаларни билишга қизиқишини фаоллаштириш. Профессионал кизикиш ва мойилликларни шакллантириш. Талабаларни қизиқиш ва мойиллик ривожланиши босқичларининг тавсифномаси билан таништириш, касб танлашда ўз қизиқиш ва мойиллигини тўғри баҳолаш эҳтиёжини шакллантириш. Талабаларда билишга қизиқишни ривожлантиришга кўмаклашиш. Касб танлашда кобилиятининг ахамияти. Касбга яроқлилик. Қобилиятларнинг касб танлашдаги аҳамиятини тушунтириш, умумий ва алоҳида қобилиятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш талабаларни меҳнатсеварликнинг қобилиятлар ривожланишидаги аҳамияти тўғрисидаги хулосага олиб келиш. Маъруза конспектини тузиш ва у билан ишлаш кўникмасини шакллантириш.

«Касбга яроқлилик» тушунчасининг моҳиятини очиб бериш. Танланган касбни шахсий қобилиятлари, жамият эҳтиёжлари билан қиёслаш, профессионал жиҳатдан муҳим сифатларини тўғри баҳолаш кўникмаси билан қуроллантириш. Касб танлашга мулоҳаза билан ёндашишни шакллантириш. Касб танлашда саломатликнинг аҳамияти ва тиббий жихатдан номуофиклиги.Касб танлашда саломатликнинг аҳамиятини ҳисобга олиш зарурлигини тушунтириш. Давлатнинг меҳнаткашлар саломатлигини сақлаш тўғрисида ғамхўрлигини кўрсатиш. Касбни эгаллаш йўллари. Талабалар мамлакатимиздаги ишчи касбларини эгаллаш йўллари билан таништириш. Ишчилар синфининг жамиятда тутган ўрнини ёритиш. Профессионал тайёргарлик кўринишнинг турли йўлларининг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш кўникмасини шакллантириш. Профессионал режа тўғрисида тушунча. Талабаларга «профессионал режа» тушунчасини ёритиш, уларни онгли равишда касб танлаш зарур деган хулосага олиб келиш.

Олий ва урта махсус укув юртларида мутахассис кадрлар тайёрлаш.
Талабаларни ўрта махсус ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системаси билан таништириш. Маълумот даражаси ҳар хил мутахассисларнинг халқ хўжалигидаги ўрнини кўрсатиш. Профессионал режаларни амалга ошириш боскичлари. Профессионал режа тузиш кўникмасини хосил қилиши. Шахснинг муҳим профессионал сифатлари шаклланишида ўзини ўзи тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида тушунча бериш. Умумтаълим мактабларида укитиладиган фанларнинг

касб билан богликлиги.Талабалар умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанларнинг кейинчалик касб танлашда муҳим аҳамият касб этиши тушунтириш.

Талабалар қизиқадиган фанларининг қайси касблар билан боғлиқлиги ҳақида маълумот беринг. Касбга йуналтириш ишининг мактаб системаси.

Ўқувчиларни юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган ҳолда тарбиялашдан, бошланғич касбий малакаларнинг муайян системасини эгалланган бўлғуси малакали мутахассисларни тайёрлашдан, ҳам шахсий меҳнат, ҳам жамоа меҳнати муайян ташкилотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат. Синф рахбари ва оила мисолида касб танлашга йуллаш ва касбларни урганиш. Талабаларга касб танлашда синф раҳбарии ва оиланинг аҳамиятига эътибор тўғрисида маълумот бериш. Синф раҳбарии ва ота-оналарнинг ўқувчиларнинг касб танлашида ҳамкорликда ишлаши натижалари ҳақида маълумот беринг. Ишлаб чикариш корхоналарининг касб танлаш материалини урганиш (экскурсия тарзида).Талабаларни ўқув муассасаси база корхонаси мисолида «одам техника» типидпги касбларнинг талаблари билан таништириш. Профессиограммалар тузиш учун ана шу типдаги касблар бўйича меҳнат мазмунини кузатиш.

## Мустақил иш

Дарслик ва Ўқув қЎлланмаларининг (уларнинг тЎла таъминланганлиги тақдирда) боблари ва мавзуларини Ўрганиш. Тарқатма материаллар бЎйича маъруза қисмларини Ўзлаштириш. ЎЎқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Фаннинг боблари ва мавзулари устида ишлаш.

Касб танлашга йЎллаш фанидан назарий ва амалий машғулотлар Ўтиш давомида талабаларни ижодий жараёнга йЎналтириш, уларни таҳлил қилиш, мустақил ишлашга Ўргатиш, машқлар бажариш. Бадиий асарларни эстетик-ғоявий жиҳатдан таҳлил қилиш, классик асарлар матни устида ишлаш, адабий жараённи кузатиб бориш. Малакавий амалиётни Ўтиш чоғида янги техника, жиҳозлар, кенг кЎламли илмий иш олиб боришга қулай жараёнлар ва технологияларни Ўрганиш. Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ ҳолда фаннинг муайян боблари ва мавзуларини чуқур Ўрганиш.

### Дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати


1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарк, 1998. 63 б.
2. Ўзбекистон Республикасида ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази. 2002. 12 б.
3. Р.Х.Жўраев, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунар йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари. Монография. -Т.:ФАН. 2004. 120 б.
4. Болтабоев С.А. Толипов У. Умумий ўрта таълим мактаблари касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети фаолиятини ташкил қилиш бўйича методик тавсиянома. -Тошкент 2000.
5. Ўқувчиланинг психологик-педагогик диагностика утказиш минтакавий (вилоят, туман, шаҳар) касбга йуналтириш марказларини ташкил килиш тугрисидаги намунавий Низоми. Тошкент, 2002.
6. Болтабоев С.А. Толипов У. Умумий ўрта таьлим мактаблари касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети фаолиятини ташкил қилиш бўйича методик тавсиянома. –Тошкент: ТДПУ, 2000. 36 б.

7. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. Тошкент: «Фан» , 2004.
8. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Холматов П.Қ. Дарсдан ташқари Машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш технологияси. –Тошкент: ЎзПФИТИ. 2004. 31.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ*

*А.КОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ*

*«Мехнат ва касб таълими ўқитиш услубияти» кафедраси*

«Тасдиклайман»
Ўқув ишлари буйича проректори
_____________доц.Б.Мамажонов
«___»_________ 2007

*III-блок Умум касбий фанлар*
*"Касб танлашга йуллаш"* фанининг

# *ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ*

Билим сохаси: 100000-таълим
Таълим сохаси: 140000-укитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани
Таълим йуналиши (мутахассислиги) коди ва номи: Мехнат таълими 5142000
Ишчи укув режасида ажратилган соат 114
Аудитория соати 68
Лекция соати 36
Лаборатория машгулотлари соати 32
Мустакил таълим 46

Ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги томонидан 2002 йил 21 февралда 54 ракам билан руйхатга олинган Давлат таълим стандарти асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчи: доц. Б.Х.Ўразов

Ишчи ўқув дастури «Мехнат ва касб таълими ўқитиш услубияти» кафедрасининг 200 йил 28.08. даги мажлисида мухокама килинди ва унинг №1 ракамли баённомаси билан тасдикланди.

____________ доц. М.З.Муртазаев

(имзо)

## *1. КИРИШ*

Ушбу дастур олий педагогика укув юртларининг мехнат таълими йуналиши буйича, укув режасидаги IV- блок ихтиссослик фанларга кирувчи «Касб танлашга йуллаш» фанидан тайёрланган булиб, касб танлашга ва касбга йуналтириш ишларини ташкил этиш ва унинг назарий-услубий билимлар беришга мулжалланган.

Шунингдек талабалар лаборатория ишида касб танлашга ва касбга йуналтириш ишларини ташкил этиш дастурини тузиш, касблар ва уларнинг турлари, классификатор буйича йуналишлари, касбга йуналтириш боскичлари, касб танлашга йуллаш ишига тайёрлаш буйича амалий билимларини эгаллайдилар.

*1.1. Касб танлашга йуллаш фанининг максад ва вазифалари.*

Мазкур фанни укитишдан максад, касб танлашга ва касбга йуналтириш ишларини ташкил этиш, касб ва касб-хунарга йуналтириш ишларини ташкил этиш методикасини билиши, касб ва уларнинг турларини билишлари, касб танлашга йуллаш ва касбга йулантириш ишларини амалга ошириш боскичларини билиши, касб танлашга йуллаш ва касбга йуналтириш ишларини амалга ошириш дастурини тузиши буйича амалий билимларни эгаллайдилар.

*1.2. Талабалар билимига куйиладиган талаблар.*

Талабалар ушбу фанни урганиш давомида касбларнинг турлари, касб ва касс-хунарга тайёрлаш ишлари, касб-хунар фаолияти таркиби, касбий таснифлагич, касб танлашга йуллаш ишларини ташкил килиш ва унинг касбий фаолиятга оид билимлар билан бир каторда амалий куникма ва малакаларни хам эгаллашади.

*1.3. Касб танлашга йуллаш фанининг бошка фанлар билан алокаси.*

Талабалар мазкур фанни урганиш учун мехнат таълими йуналиши буйича, касбий фаолият сохаси ва кичик мутахассис йуналиши буйича фанлардан тегишлича билимларга эга булиши керак.

*1.4. Касб танлага йуллаш фанини укитишда кулланиладиган жихозлар..*

Фанга доир таркатма материаллар, кургазмали куроллар, касблар ва ихтиссосликлар классификатори, мультимедия тупламлари хамда укитишинг илгор усуллари кулланилади.

## *2. Асосий кисм*

### *2.1 Лекия машгулотлари мавзулари ва мазмуни*

| *№* | *Мавзулар номи* | *Соат* | *Адабиёт* |
|---|---|---|---|
| 1 | Кириш. Ёшларни касбга йуналтиришнинг назарий шарт-шароитлари | 2 | (1-8) |
| 2 | Касбга йуналтириш асослари тугрисидаги таълимот. | 2 | (2-6) |
| 3 | Касб таълими методикаси куйиладиган талаблар | 2 | (5-8) |
| 4 | Касбга йуналтириш боскичларининг мазмуни | 2 | (3,5,7) |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5 | Касбга йуналтитришнинг мактаб системаси. Укитувчи шахси. | 4 | (7,8) |
| 6 | Укув муассасаларида касб танлашга йуллаш услубияти | 2 | (5,6) |
| 7 | Мактаб тарбияси | 2 | (6,7) |
| 8 | Мактаб ташкари укув муассасалари | 2 | (2,4,6) |
| 9. | Касбга йуналтиришнинг ижтимоий ва психофизиологик асослари | 4 | (5,6,7) |
| 10. | Булажак укитувчиларни укувчиларни касб танлашга йуллаш ишига тайёрлаш системаси. | 2 | (4.5) |
| 11. | Синф рахбари | 2 | (6,7,8) |
| 12. | Талабаларни касб танлашга йуллаш ишига тайёрлашнинг мазмуни. | 2 | (3,7) |
| 13. | Психологик педагогик фанларни урганишда талабаларни касб танлашга йуллаш ишига назарий – методик жихатдан тайёрлаш. | 2 | (2,5,8) |
| 14. | Талабаларни касбга йуллаш системасидаги махсус илмий ва умумий техника циклидаги фанлари. | 2 | (4,6,8) |
| 15. | Касбга йуналтириш ишига рахбарлик килиш ва уни режалаштириш | 2 | (2,4,5) |
| 16. | Касб-хунарга йуналтириш укув-методика хонасини жихозлаш ва безатиш. | 2 | (3,5,6) |
| | жами | 36 с | |

*2.2. Лаборатория машгулоти мавзулари*

| *№* | *Мавзулар номи* | *Соат* | *Адабиёт* |
|---|---|---|---|
| 1 | Укувчиларни касбга йуллашда халк хужалигида касблар ва уларнинг классификацияси билан таништириш. | 4 | (5-7) |
| 2 | Касбнинг инсонга куядиган умумий талаблари | 4 | (2-6) |
| 3 | Профессиограмма хакида тушунча | 4 | (5-8) |
| 4 | Касб танлаш максадида укувчилар шахсини урганиш услублари | 4 | (3,5,7) |
| 5 | Профессионал кизикиш ва мойилликлар | 4 | (7,8) |
| 6 | Кобилиятлар ва касбга яроклилик | 4 | (5,6) |
| 7 | Укувчиларга касбий консулътатция бериш ва уни утказиш. | 4 | (6,7) |
| *8* | Укувчиларни касбга йуллашда укитувчи ва ота-оналарнинг хамкорлиги | 4 | (2,4,6) |
| | жами | 32 | |

*3. Рейтинг технологик картаси.*

| *№* | *Фаннинг номи* | *О.Н* | *Ж.Н* | *Я.Н* | *Умумий балл* | *1 соат учун ажратилган* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Касб танлашга | 40 | 45 | 15 | 100 | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | йуллаш | | | | | |

## 2.2. Мустакил иш топшириклари

| *№* | *Мавзулар номи* | *Соат* | *Адабиёт* |
|---|---|---|---|
| 1 | Касбий педагогикага оид «дидактика» ва «методика» тушунчаларининг мохияти ва мазмунини кенгрок ёритинг. | 4 | |
| 2 | Ишлаб чикариш таълимининг услуллари хакида тушунча Беринг. | 6 | |
| 3 | Касб таълимида укув максадларини ва мазмунини белгилаш. | 4 | |
| 4 | Укувчиларни касбга йуналтиришнинг ахамияти тугрисида тушунча беринг. | 4 | |
| 5. | Касбий фаолият мазмунининг асоси. | 4 | |
| 6. | «Касбий махорат» тушунчасини мохиятини очиб беринг | 4 | |
| 7. | Ишчи касбини эгаллаш йуллари | 4 | |
| 8. | Саломатлик ва касб танлаш | 4 | |
| 9. | Касб типларини тахлил килинг | 6 | |
| 10. | Укувчиларни касбга кизиктириш усуллари | 6 | |
| | жами | 46 | |

### *4. АДАБИЁТЛАР.*


1. К.Давлатов, В.Чичков. «Укувчиларни касб танлашга йуллаш» Тошкент «Укитувчи» 1978 йил.
2. С.У.Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш» курси методикаси. Тошкент «Укитувчи» 1989 йил
3. Н.Шодиев «Студентларга укувчиларни касб танлашга йуллаш ишларини урганиш» Тошкент «Укитувчи» 1992 йил.
4. К.Давлатов «Мехнат ва касб таълими, тарбияси хамда касб танлаш назарияси ва методикаси» Тошкент «Укитувчи» 1992 йил
5. Д.А.Тхоржевский тахрири остида. Мехнат таълим методикаси Тошкент 1987 йил 160-167 бетлар.
6. С.У. Калюга ва бошкалар «Ишлаб чикариш асослари», «Касб танлаш курси методикаси» Тошкент 1989 йил 74-77 бетлар
7. П.Т.Магзумов ва бошкалар «Укувчиларни мехнатга ва касб танлашга тайёрлаш» Тошкент 1991 йил 68-82 бетлар.
8. К. Давлатов, А.И.Ворбъев, И.Каримов. «Мехнат ва касб таълими назарияси хамда методикаси» Тошкент, 1992 йил 320 бет.

А.КОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

«ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА» ФАКУЛЪТЕТИ

«КАСБ ТАЪЛИМИ» БУЛИМИ

«МЕХНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ УКИТИШ УСЛУБИЯТИ» КАФЕДРАСИ

«КАСБ ТАНЛАШГА ЙУЛЛАШ»
ФАНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН

# МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ТУПЛАМИ

Жиззах - 2007

Фан – Касб танлашга йўллаш
**1-Маъруза. (2соат)**

# Мавзу: Ёшларни касбга йўналтиришнинг назарий шарт - шароитлари.

***“Агар инсон бирор касбни мукаммал эгалласа,***
***меҳнат унга ҳузур бағишлайди, бахт келтиради”***
***Андре Маруо***

**Режа:**

1. Фанинг мақсади.
2. Фаннинг мазмуни.
3. Таълим тўғрисидаги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

1. Ҳозирги кунда ёшларни касб ва касбга йўналтиришдан мақсад ўсиб келаётган баркамол авлодни касблар буйича онгли равишда танлашга тайёрлаш.

Ёш авлодни онгли равишда касб танлашга йўналлаш ёшларнинг касбни эркин ва мустаҳкам танлашлари учун мустақил замин яратувчи илмий-амалий тизим сифатида қараш лозим. Бу шахснинг маънавий, ақлий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбияси, яъни бирга таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни узвийликда амалга оширилади.

Касб узи нима? Деган савол тугилади.

- Касб бу – инсонга маълум бир талаблар куювчи фаолият туридир.
- Касб – инсонни жамият томонидан тан олинишидир.
- Касб – тириклик ва тирикчилик манбаи.
- Касб – тирик организимдир.

**Касб танлашга йўллаш** (профорентатция) – термини: йўналтириш, ажрата билиш, белгилаш хаётда тўғри йўлни танлаш деган маънони билдиради.

**Касб танлашга йўллаш** тушунчаси – ўқувчи ёшларни онгли тўғри ва эркин касб танлашга, касблар, ҳунарларнинг меҳнат йўлини туғри белгилашга қаратилган муайян педагогик ишни ифода этади.

**Касб сўзининг маъноси –** Инсонларнинг ҳунари, фаолият тури ва хаёт кечиришлари учун манба хизматини ўтадиган машғулотни билдиради.

**Касбга йўналтириш ишларини мохияти :** Ёш авлодни онгли равишда касб танлашга тайёрлашда уни ҳар томонлама ва баркамол ривожлантиришнинг шарт-шароитдир.

**Касбга йўналтириш** – Ўқувчининг ўз эхтиёжини оқилона чеклайдиган шахс сифатида баркамол камолотга кетишининг педагогик жараёни бўлиб, нафақат педагогик ташқи ижтимоий боғлиқ бўлган тафаккури ва ҳатти – ҳаракатларини онгли равишда ўз-ўзини бошқарувчидир.

Ушбу воситалар касб ва касбга йўналтириш мазмунининг асосини ташкил этади.

Касб ва касбга йўналтиришнинг назарий шарт – шароитлари деганда, касб ва касбга йўналтириш фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган турли хил қарашлар мажмуаси, ғоялари ва тасаввурлар йиғиндисидир. Бу ёшларнинг шахсий қизиқишлари, лаёқати ва қобилиятларига мос келадиган, жамият учун зарур касбларга йўллашдир.

Муаммонинг муҳимлиги, ёшларни касбга йўналтиришга оид бир қанча амалий масалаларни шошилинч равишда ҳал қилишнинг зарурлиги ҳозирги вақтда кўплаб

мутахассислар: педагоглар, психологлар, шифоркорлар, иқтисодчилар, социологлар ва ғоят хилма – хил соҳаларда ишловчи амалиётчи ходимларнинг эътиборини ўзига жалб этади. Бу борада кўплаб мутахассисларнинг иштирок этиши ва иш олиб бориши муаммони тўғри ва комплекс тарзда ҳал этиш учун замин ва шароитлар яратиб беради, албатта. Қуйида ёшларнинг касбга йўналтиришнинг назарий ўзлаштиришнинг моделини тасвирлаймиз. (1 шакл)да

1- шакл




Касб ва касбга йуналтириш ишлари куйидаги асосий йуналишларини уз ичига олади:

**Касбий ахборот** ёшларни – замонавий ишлаб чикариш турлари ва касблари, хужалик мажмуасининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари касб бозорининг келажакдаги ривожланиши, касбларни ўзлаштиришнинг шакллари ва шароитлари мехнат фаолияти жараёнида касбий малакавий усиш ва ўз ўзини такомиллаштириш имкониятлари билан таништириш;

**Касбий маслаҳат** Ёшларнинг педагогик психологик хусусиятлари ва имкониятлари хамда жамиятнинг эҳтиёжларини хисобга олган холда касбий йўлини танлаш бўйича онгли равишда қарор қабул қилиш мақсадида касбий ўзлигини аниқлашда ёрдам кўрсатиш;

**Касбий танлаш** педагогик – психологик психофизиологик, тиббий ташхис асосида ўзининг психологик - физиологик хусусиятларга кўпроқ мос бўлган турли касбий йўналишлар тўғрисида тавсиялар бериш:

**Касбий саралаш** Инсоннинг маълум касбга тегишли меъёрий талабларига мос равишда касбий лойиқлик даражасини аниқлаш.

Меҳнат ва касб - ҳунар таълимида ўқувчиларни касб ва касбга йўналтиришнинг қўйидаги усулларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

1. Ўқувчиларни касблар билан таништириш.
2. Касблар, меҳнат ютуқлари талқин этилган асарларни ўқишни тавсия этиш:
3. Ҳар бир касб ҳақида махсус дарслар ўтиш:
4. Ишлаб чикариш корхоналари, фирма, фан, маориф, маданият санъат муассасаларига саёҳатлар ташкил этиш.
5. Меҳнат илғорлари билан, улар эришган ютуқлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш:
6. Меҳнат таълими йўналиши бўйича – мультмедиалар кўрсатиш:

7. Ўқувчиларни турли хил тўгаракларга жалб этиш:

8. Янги касб ва мутахассисликлар, фан техника тараққиёти ишлаб чикариш технологиялари билан мунтазам таништириб бериш.

Касб ва касбга йўналтириш қўйидагиларни ўз ичига олади:

2. Ўқувчиларни касб танлашга йўналтиришнинг асосий ёш босқичлари мазмунини қўйидагилар:

1. Мактабгача таълим ёшидаги - I-босқич
2. Бошлангич кичик ёшдаги (1-4 синфлар) – II – босқич
3. Ўрта ёшдаги (5-7 синфлар) - III - босқич
4. Катта ёшдаги (8-9 синфлар) – IV - босқич

Ўқувчилар касбий тайёргарлигини аниқлаш мезони (беш баллик) кўрсаткич ва ўлчовлари.

Биринчи босқич – Мактабгача таълим ёшдаги болаларда (катта гурух) меҳнат билан банд буладиган инсонларга, уларнинг машғулотларига, шунингдек қўлларидан келидиган фаолият турлари бўйича дастлабки мехнат кўникмаларини ижобий, хиссий таъсирчан шакллантириш:

Иккинчи босқич – Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни билишга оид ва ўйин кўринишдаги ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятини амалга тадбиқ қилиш оркали, меҳнатга ҳурмат, меҳнат касб турлари, йўналишлари билан таништириб боришини ҳамда оммавий касбларга бўлган қизиқишини шакллантириш.

Учинчи босқич – Ўқувчиларни касбга йўналтириш мазмуни улардаги қизиқиш қобилият, лаёқат ва шахс сифатида жамиятдаги ўз ўрнини топишдаги ҳамда маънавий-моддий қадриятнинг изланувчан – синчков кўринишларини шакллантириш:

Тўртинчи босқич – Ўқувчиларда касбий ўзликни англашни шакллантириш даври яъни ўқувчиларни аниқ бир касбни танлашнинг шахсий маънога эгаллигини тушуниб етиши, жамият олдидаги бурчи жавобгарлик хислатларини шакллантириш. Шу сабабдан ҳам мутахассисларнинг ҳар бири тўла аниқ касбга йўналтириш соҳасидаги ўз фаолиятида ўзларига маълум бўлган методларга, муаммога ёндошув усулларига ҳамда идрок қилиш услуби ва шу кабиларга таянади ҳамда касбга йўналтириш методологиясини ишлаб чиқиш касбга йўналтириш соҳасидаги бундан буён мувоффақиятли иш олиб боришнинг муҳим шартидир.

**3. Таълим тўғрисидаги Қонун (34 модда, бешинчи боб), КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ** - баркамол авлод, етук, ҳар қандай рақобатга бардошли кадрлар тайёрлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси ҳаракат дастури. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинди. Дастурда белгиланган асосий вазифалар қўйидагилардан иборатдир:

- “Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослашиш”; таълим олувчиларни маънавий аҳлоқий тарбиялашнинг энг самарали шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уни хаётга жорий этиш: таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттетстатциядан ўтиш ва аккредитатция қилишнинг ҳолис тизимини жорий этиш ва бошқалардир. Юқорида таъкидланган вазифалар, таълим сифатида талаблари қаторида керакли назорат чоралари ҳамда кўзда тутилган дастур талаблари уч босқичда амалга оширилади. 1 – босқич: 1997 – 2001 йилларни ўз ичига олиб, унда бажариладиган асосий иш – уч йиллик академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари тизимига замин тайёрлашдан иборат. 2 – босқич 2001 – 2005 йил, бу даврда ҳар бир худдуднинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва эхтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда айнан шу йўналишни кадрлар билан таъминловчи таълим муассасаларининг жойлаштирилиши уларнинг моддий ва молиявий таъминланиши каби вазифалар ҳал этилади. 2005 йилда ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда унга тегишли ўзгартиришлар киритиш мўлжалланган. 3 – босқичда

(2005 йилдан кейин) Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш жараёнини амалга оширилади. Дастур талабларига кўра кадрлар тайёрлаш жараёни қўйидаги субъектлар иштирок этади: Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Фанни ўқитишдан қандай мақсад кўзланган?
2. Фан олдига қўйилган вазифа нимадан иборат?
3. Фаннинг мазмунини ёритиб беринг?
4. 2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини изоҳлаб беринг? 2004 йил 21 май.

**Таянч иборалар:**

1. Касб
2. Касб танлашга йўллаш.
3. Касбга йўналтириш.
4. Касбий ахборот.
5. Касбий маслаҳат.
6. Касбий яроқлилик.
7. Касбий танлаш.
8. Касбий саралаш.

**Фойданиладиган адабиётлар.**


1. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
2. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
3. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

2 - маъруза (2 соат)

**Мавзу : Касб ва касбга йўналтириш асослари тўғрисидаги таълимот.**

***“Ҳар бир киши касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ фазилатларга эга бўлмоғи керак”.***
***Абу Носир Фаробий***

**Режа:**

1. Фан-техника ва ижтимоий тараққиёт :
2. Касбни тўғри танлашнинг аҳамияти:
3. Умуммеҳнат ва махсус малакаларни, касбга бўлган қизиқишни шакллантириш.

1. Ҳозирги фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида ёш авлодни жамият барпо этишда фаол қатнашишга тайёрлаш лозим бўлган мактабнинг роли ҳар қачонгидан кўра ўсди.

Шу муносабат билан ўқувчиларга илм-фан асосларининг мустаҳкам билимларини сингдириш, уларда юксак онглиликни тарбиялаш, умуминсоний қадриятни шакллантириш, ёш авлодни турмушга ва меҳнатга, ижтимоий зарур касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш таълим ва тарбиянинг ҳамма босқичларида ҳозирги мактабнинг вазифаларидир.

**Педагогларнинг олдида турган муҳим вазифалар қўйидагилар:** - ўқувчиларда аниқ бўлган қизиқишларини янада такомиллаштириш;

- уни касб танлаш даражасига етказиш;

-кўп қиррали қизиқишига эга бўлган ўқувчиларда ўзига кўпроқ ёққан соҳани, тўгаракни танлашга амалий ёрдам бериш;

- ўқувчиларда меҳнат қилувчи кишиларга нисбатан хурмат хислатларини тарбиялаб бериш;

- ўқувчиларнинг ўзига хос қизиқишларини эътиборга олган ҳолда уларни секин-аста жамият ижтимоий меҳнатига жалб қилиб бориш;

- касбий маълумотларни етарлича бериб бориш;

- инсон меҳнати билан яратилган моддий бойликларни ҳар томонлама тежаш хислатларни тарбиялаш;

- ўқувчиларнинг ўзи қизиқадиган меҳнат таълими йўналишига жалб қилиш ва эгалланган иқтисодиий билимларни амалда қўллашларига эришиш;

- ўқувчиларда меҳнат ва касб танлаш дарсларига қизиқиш уйғотиш ва уни оширишда ҳал қилувчи таъсирни юксак маҳорат билан амалга ошириш. Бу жараёни тўғри ташкил этилганда шахснинг бўлғуси касбий фаолият субеъкти сифатида шаклланишини таъминлайди. Ҳозирги вақтда ижтимоий ва илмий техникавий тараққиёт шароитида мактаб ўқувчиларини касб ва касбга йўналтиришнинг муҳимлиги анча ошди.

2. Ўқувчиларни тўғри ва эркин касб танлашга йўналтириш бугунги куннинг долзарб вазифалардан биридир. Тўғри касб танлаш инсоннинг келажагини ҳаёт тарзини белгилашда катта аҳамият эга. Ҳар бир шахс касбни ўз қизиқиши, қобилияти ва инсониятлари нуқтаи назаридан танлайди (1 – шакл) да ифодаланган.

**Касбни тўғри танлаш** – инсон турмушида муҳим қадамдир, ёш авлоднинг бутун ҳаётидаги мувофаққият кўп жиҳатдан касбнинг қанчалик тўғри танлашига боғлиқ.

Касб танлашда ўқувчиларга бир қатор омиллар таъсир этади.

**Қизиқиш** – бу воқеликдаги предметлар ва ва ҳодисаларнинг билиш йўналишини белгилайдиган, бирор нарсага берилиш, қониқиш туйғуси орқали уйғонадиган фаолияти тушунилади.

**Қобилият** – Қайси бир фаолиятни мувоффақиятли бажаришга таъллуқли бўлган ва билимлар, малакаларни эгаллашнинг тезкорлигини енгиллигини изоҳлаб берадиган хусусиятдир.

**Идрок** – Мазкур муддатда сезги органларининг ёки бир бутун ходисаларнинг инсон онгидан акс этишидир.

**Характер** - Хатти ҳаракатларнинг сифат жиҳатларининг ўзига хослигини, мустаҳкамлигини кўрсатиб турадиган, махсус муносабатларни пайдо бўлиш жараёнида ўзининг изини қолдирадиган хусусиятлари мажмуасидир.

**Тафаккур** - Билиш, англашнинг юқори шакли бўлиб ўзида обеътив дунёдаги ходисалар билан нарсалар ўртасидаги муносабатларни намоён этишдир.

**Билиш** - Дунё ҳақидаги янги билимлар ҳисобланадиган субъект ва объектнинг ўзаро таъсирини, воқеликнинг руҳиятида қайта таъсир этилиши ҳамда акс эттириш жараёнидир.

**Эрк** - Ўз олдига мақсадларни қўйиш ва қабул қилиш билан, шу билан бирга, уларни ҳал этиш, амалга ошириш йўлида ички ва ташқи тўсқинликларни енгиб ўтишдир.

Дунёдаги касблар, ҳунарлар, уларнинг сир асрорлари билан таништириш, қадим ота-боболаримиз шуғулланган турли хил ҳунармандчилик наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, бешикчилик, пичоқчилик, мискорлик, каштачилик, этикдўзлик, дўппи тикиш, зардўзлик, гиламчилик, косибчилик, тўқувчилик, заргарлик, кулолчилик каби касб ҳунарлар билан таништириш меҳнат ва касб танлашга йўллаш дарсларида амалга оширилади.

3. Умуммеҳнат ва махсус малакаларни, касбга бўлган қизиқишларини шакллантиришнинг бундай имкониятлари объектив заминга эга бўлиб воқеликда ҳар куни амалга оширилмоқда.

Касбга йўналтириш ўқувчиларга политехник маълумот бериш масалалари билан; касб танлаш эса муайян билим даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, политехник таълим халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ижтимоий иқтисодий ва илмий техникавий асосларини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларининг истиқболли йўналишларини аниқлашни, бу йўналишлари белгиловчи янги ва илғор технологияларининг илмий асосларини ўрганишни назарда тутади. Ёшларни амалий фаолиятларини ва касбий хислатларини сингдириш, ўз устида мустақил ишлаш ҳамда ўзини, политехникавий ва касбий маҳоратини ошириб боришга тайёрлашдан иборат.

Касбга йўналтириш замон билан ҳам нафас олиб борилиши зарур. Шу сабабдан ўқувчиларни касб – ҳунарга тўғри йўналтириш билимларни чуқурроқ бериш, назария билан амалиёт узвийлигини таъминлаш уларни илм ҳунарга иштиёқмандлигини, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашимиз зарур. Ўқувчиларда касбга бўлган қизиқишни шакллантириш учун уни вужудга келтирган муҳит ва шароитни аниқ билиш лозим. Бу шароитлар қўйидагилардир:

- Касбий маълумотларни етарлича бериб бориш:
- Умум техника ва касбий фан тўгараклари фаолиятини илдам ривожлантириш:
- Касбга йўналтирувчилар: ота-она, фан ўқитувчилари, синф раҳбарларининг иш ўз сўзига муносиб бўлгандагина ўқувчининг севган касбига чуқурроқ боғланишини эътиборга олиш.
- Мактаб, оила, махалла, касб - ҳунар коллежлари, ташхис марказларининг фаолиятини кучайтириш:
- “Ким бўлишни истайман”, “Нима учун шу касбни танладим?” саволларига жавоб излаш унга янги инновацион технолгиялардан фойдаланиш:
- Касб танлашга қийналаётган ва иккиланаётган ўқувчилар билан индвидуал тарзда ишлаш.

## Такрорлаш учун саволлар:

1. Касб танлашга йўллашда фан техника ривожланишининг аҳамияти нимадан иборат?
2. Касбга йўналтиришнинг асосларини изоҳлаб беринг?
3. Касбни тўғри танлаш ва унинг жамиятда аҳамияти?

## Таянч иборалар

1. “Инсон табиат”
2. “Инсон техника”
3. “Инсон инсон”
4. “Инсон белгилар тизими”
5. “Инсон бадиий образ”

## Фойдаланиладиган адабиётлар.


1. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
2. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
3. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.


1 – шакл




3-мавзу. (2 соат)

**Мавзу: Касблар ва уларнинг турлари.**

**Режа.**

1. **Касб хақида тушунча.**
2. **Касбларнинг турлари ва хусусиятлар**
3. **Касблар ва ихтиссосликлар таснифлагичи буйича тайёрлов йуналишилари.**

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга фан-техника ютукларини иктисодий сохага тадбиқ этиш асосида эришиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, таълим сохасида олиб борилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва унда курсатилганидек фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро фаол алоқасини таъминлашни таказо этади.

Илмий техник тараккиёт натижаларини ишлаб чиқаришга, хужалик юритиш сохасига кириб бориш кўп жихатдан таълим савиясига, кадрлар салохиятига, айникса, ёшларга, уларнинг фаоллигига, ўз касбларини нақадар эгаллаганликлари даражасига боғлиқдир.

Тарих 3 асосий глобал босқичларга булинади: «қишлоқ хужалик даври», «саноатлаштирилган давр» ва «саноатлашган даврдан кейинги даврлар». Шу даврлар мобайнида жамият ривожланиши билан бир қаторда касблар ва уларнинг турлари ўзгариб борди. Касб ўзи нима?

- Касб бу – инсонга маълум бир талаблар куювчи фаолият туридир.

Хар бир фаолият турининг бир – бирларига боғлиқ ухшашлик томонлари бор, булар:

1) **мехнат предмети;**
2) **мехнат мақсади;**
3) **мехнат воситалари;**
4) **мехнат шароитлари;**

**Мехнат пердмети** - ишчининг нима билан (ёки ким билан) ишлашга тугри келишидир. Мехнат предметига кура касблар 5 та турга булинади:

1. Агар асосий мехнат предмети – бу усимлик, хайвон ёки микрорганизмлар булса (флора ва фауна) бунда касб тури «Одам-табиат» ёки қисқача «О - Т». Манна шундай касбга мисоллар: микробиолог, корақўлчи, ўзум терувчи, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, ветеринар-фелъдшер, корамолчилик мажмуаси ва механизациялашган фермалар оператори, гулчи, давлат уруғчилик инспекцияси лаборанти, киме-бактериологик тахлил лаборанти.

2. Агарда асосий, етакчи мехнат предмети – техник системалар, ашёвий объектлар, материаллар, энергия турлари булса, бунда бу касблар «Одам-техника» ёки қисқача «О - Т» турига киради. Бу хил касб турларига мисоллар: дастурли бошкарув станоклар операторлари, курилиш материаллари завода пулът бошкаруви оператори, радио электрон аппаратлари ва приборлар монтажчиси, троллейбус хайдовчиси, механик йигув ишлари, слесар қўл билан ёки машинада пармалаш пармаловчиси, эгилувчан ишлаб чиқариш тизимлари созловчиси, пулат куювчи, инженер-физик, темир бетон конструкциялари монтажчиси, токар, пойафзални юкориги кисмини тайёрловчи, тукувчи, кондитер, дурадгор.

3. Агар мехнатни асосий, етакчи предмети-инсонлар, гурухлар, жамоалар булса, бунда бу хил касб тури «Одам-одам» (қисқача «О- О») деб аталади. Бу касб турига мисоллар: ўқитувчи, менежер, болалар богчаси тарбиячиси, саноат моллари сотувчи – маслахатчиси, йуловчи вагон пассажири, стюардесса, экскурсиячи ва кўплаб бошкалар.

4. Агар мехнтани асосий, етакчи предмети-шартли белгилар, ракамлар, кодлар, табиий ва сунъий тиллар булса, бундай касб турлари (Одам-белгилар тизими) (қисқачасига О-БТ) деб аталади. Бундай касбларга мисоллар: супермаркетнинг назоратчи-кассири, бухгалтер, иқтисодчи, электрон хисоблаш машиналарининг оператори, программачи, корректор, стенографист-машинистка, чизмачи, картограф, типографчи, кутубхоначи, таржимон, телеграфчи, математик, геодезист ва бошкалар.

5. Агар мехнатни асосий етакчи пердмети – бадиий образлар, уларни курилиш шартлари, бундай касб турлари «Одам – бадиий образ» («О – БО») деб аталади. Бундай касб турларига: кийимлар, буйича конструктор – моделъер, чини буюмлар буйича муйкаламчи, ганч буйича уймакор, рассом-безатувчи, қурувчи-буёқчи ва х.к.лар киради.

**Мехнатнинг максадига** караб хар бир касблар синфларига булинади:

- Г – гностик касблар:
- У – ўзгарувчан касблар;
- И – изланувчан касблар;

**Мехнат воситаларига** караб қуйидаги булимларга булинади:

- **К** – қўл мехнатига оид касблар;
- **М** – қўл (пичоқ) билан бошкариладиган машиналардан фойдаланиладиган касблар;
- **А** – автоматлаштирилган касблар турлари;
- **Ф** – функционал мехнат воситаларини эгаллаган касблар;

**Мехнат шароитларига** кўра касбларнинг гурухлари:

Мехнат шароитига кўра касблар турт гурухга бўлинади:

**Оддий маиший шароитлардаги мехнат.** Бу касбдагиларни қисқача «М» деб белгиланади. Бунга: бухгалтер, чизмачи, кутубхоначи, токар ва кўплаб бошкалар киради.

**Очик хаводаги мехнат.** Мавсумий ва хароратнинг, намликнинг, кунлик пасайиши шароитида утади («О» гурухи). Бундай касбларга қатор курилиш (тошчи, курилиш дурадгори, темир бетон конструкциясилари монтажчиси) қишлоқ хужалик касблари (кучат етиштирувчи, далачи, чупон) ва бошка тармок касблари (масалан, давлат автомобил инспектори) киради.

**Ноқўлай шароитлардаги мехнат** ер тагидаги, юкоридаги, сув тагидаги, шунингдек юкори харорат шароитидаги, намликдаги ва бошкалар (бу гурух касблари «Н» харф билан белгиланади). Касбларга мисоллар: шахтёр, монтажчи, сув остида сўзувчи, пулат куювчи, учувчи, метро курувчи ва х.к.з.

**Юқори аҳлоқий ва моддий жавобгарликдаги мехнат** (саломатлик учун жавобгар, тарбия бериш, инсон хаёти, катта моддий ва жамоатчилик бойликлари учун жавобгар). Бу гурух касблари қисқача «М». Уларга ўқитувчи, шифокор, хакам, участка инспектори, сотувчи, мехнатни қуриқлаш ва техника хавфсизлиги инженери ва х.к.з.

**Касбларнинг манзили**.

Хамма касблар дунёси (планетаси) касблар дунёсини биз касбларнинг турига караб 5 та давлатга булсак:

Т – табиат

Тех. – техника

О – одам

БТ – белги тизими

БО – бадиий образ (тимсол)

Мехнатнинг максадига караб хар бир мамлакатни 3 та вилоятга (областга) бўлинади:

Г – гностик (билиш) касблар;

У – ўзгартирувчи касблар;

И – изланувчилик касблари;

Хар бир вилоят мехнат қуролига қараб 4 шахарга (районга) бўлинади:

К – қўл мехнати касблари;

М – қўл мехнати билан бошкариладиган машиналардан фойдаланадиган касблар;

А – автоматлаштирилган мехнат касблар;

Ф – функционал мехнат қуроллари билан эгалланган касблар;

Хаар бир шахарда (райионда) мехнат шароитига караб (касблар гурухлари) 4 куча белгиланган:

М – маиший шароитлар;

О – очиқ хаводаги ишлар;

Н – ноқулай шароитлардаги иш;

МА – юкори жавобгарликдаги иш;

**Фойданиладиган адабиётлар.**


4. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
5. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
6. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

4-Маъруза. (2 соат)

**Мавзу: Касб таълими методикасига қўйиладиган талаблар.**

***“Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук инсонлар ҳал қилади. Ақлий заковат ва руҳий – маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир ” И.А.Каримов***

**Режа:**

1. Услубчининг касб танлашга йўллашда бошқарув аҳамияти.
2. Услубчига қўйиладиган талаблар.
3. Услубчининг педагогик-психологик ва умумкасбий тайёргарлиги.

1. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш давлат аҳамиятига эга бўлган муаммо. Ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш ғоят муҳим вазифадир. Шу боисдан ёшларнинг касб танлаш муаммоси умумий ўрта таълим мактаби ишида катта ўрин тутади. “Менинг орзуим”, “Ким бўлсам экан”, “Мен севган касб”, “Касбнинг ёмони йўқ”, “Касбим фахрим” деган мавзулар ҳар бир йигит ва қиз учун асосий муаммолардан биридир. Ўқувчиларнинг ўқишга бўлган чаққонлигини қондирувчи биринчи зиё – чашма бу мактабдир. Таълим жараёнида ўқувчиларда касблар типларини мустақил ҳолда билиш (Инсон табиати, инсон техника, инсон бадий тимсол, инсон белгилар тизими), танлаётган касбнинг талабларини ўз шахсий сифатлари билан қиёслай олиш, ўз мойиллиги қобиляти, саломатлиги танланаётган касбга мувофиқлигини, тўғри баҳолаш кўникмалари шаклланиши лозим. Услубчининг касб танлашга йўллашдаги вазифаси – ҳар бир ўқувчини, унинг касбга ва билимга қизиқишларини, мойиллик, эҳтиёжлари, атроф-муҳитни, оилавий аҳволини яхши ва ҳар томонлама ўрганишдан иборат бўлиши керак.

Бу мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб услубчи:

- ўқувчиларга “касб” тушунчасининг маъносини ёритиб бериш, уларни касбларнинг классификациялари билан таништириш;
- ўқувчилар “касбий қизиқиш”, “майллик” тушунчалари билан таништириш;
- ўқувчиларни касб танлашга асосан ўқув ва ижтимоий – меҳнат уюшмасига нисбатан онгли ёндошишга эришиш;
- ўқувчиларга касб танлашда ўз саломатлигини ҳисобга олиш зарурлигини тушунтириш;
- ўқувчиларга “Касбий лаёқат” тушунчасининг моҳиятини очиб бериш, касб танлашга мулоҳаза билан ёндошишни шакллантириш;
- қобилиятларни касб танлашдаги аҳамиятини тушунтириш, умумий ва алоҳида қобилиятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- ҳар бир ўқувчига танланган касбини эгаллаши учун амалий ёрдам кўрсатиши, унда ижтимоий – меҳнат уюшмасига ижодиий ёндошишни ривожлантириш.

Бугунги кунда сизу биз қўяётган илк пойдеворга касб танлашга йўллаш, касб-хунарга йўналтириш ўқувчиларнинг ижтимоий – меҳнат уюшмаси ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади (3 - шакл)да.

2. Касб тўғри танланганда улар ўз қобилиятлари ва қизиқишларини яхшироқ рўёбга чиқишлари ҳамда жамиятга кўпроқ наф келтиришлари мумкин. Ўқувчиларни касб танлашда йўллаш, касб-хунарга йўналтириш ишларининг асосий ижрочиси меҳнат таълими ўқитувчиси – услубчи зиммасига тушади.

Умумий ўрта таълим мактабларида касб танлашга йўллаш ва меҳнат таълимидан дарс берадиган ўқитувчилар юқори натижаларга, дарс самарадорлигини эришиши учун албатта қўйидагиларга эътиборни қаратиш керак.

Ўқитувчи – услубчи:

- замонавий илмий- техникавий тараққиётнинг ва маънавият-моддий қадриятларнинг моҳияти чуқур тушуна билиш;
- педагогик технологияни ва инноватция асл моҳияти ва услубларини тушина – қўллай билиши;
- ўқувчиларни мустақил касб ҳунар ўрганишга, эркин касб танлашга шароит яратиш;
- педагогик технологиялардан фойдаланар экан, ўзи ҳам янги яратувчи янги хилма-хил (“Касб дарси”,”Ақлий ҳужум”, “Зинама-зина”) услубларни ўйлаб топиши, амалда қўллаши;
- анъанавий дарслар орқали ўқитувчиларнинг якка тартибда (индивидуал) ишлашга эришиш;
- тест топшириқларни ўқувчи фаолияти даражаларига мос ҳолда тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Ўқитувчи услубчиларимиз учун бугунги кун талаби мана шулардан иборат.

3. Ҳозирда ўқувчиларни касб танлашга йўллашда педагогик-психологик ва умумтехник ва касб таълими мутахассилари олиб бораётган ишлар салмоқли ўринга эга. Дарҳақиқат, ўқувчи ёшларнинг касбий билимларини ва кўникмаларини шакллантириш, уларга тўғри йўналиш бериш касб ҳунарга йўналтирувчи мутахассислар, педагог-психолог томонидан бошқарилиб келинмоқда. Қўйида педагогик-психологик ва умукасбий тайёргарлигига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Жумладан:

**Биринчидан** - ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтирувчи ва педагог-психологларни ҳамда умумтехник ва касбий таълим мутахассисларни малакасини ва савиясини ошириб борсак, уларга қайта тайёрлов ўқув курси ва семенарлар ташкил қилиб амалий ёрдам бериб, уларнинг моддий эҳтиёжларини қондирилиши;

**Иккинчидан** – ўқувчиларни касб-ҳунарга қизиқишларини, мойилликларини кучайтириш мақсадида ҳар хил касб ҳунар наваторлари билан давра суҳбатлари, бахс-мунозаралар, ҳунармандлар майдонига саёҳатдан фойдаланганда ҳам маҳорат билан фойдаланиши;

**Учинчидан -** ўқувчиларни касб - ҳунарга йўналтиришда маҳалла ва ота-оналарнинг роли жуда каттадир. Бунинг учун синф раҳбарлари билан ота-оналар ҳамкорликда ҳар ойда бир марта “Касбий маслаҳатлар куни”ни ташкил этиб, улар билан турли касб-ҳунарларга тайёрлашда муаммо ва ечимлар давра суҳбатларини ўтказиш.

**Тўртинчидан** – бир неча йиллар давомида ҳалол меҳнат билан элга танилган халқ хунармандлари ва меҳнат фахрийлари билан “Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат”, “Меҳнат-бахт келтирувчи омил”, “Касб-у камол хусн-у жамол” каби мавзуларда учрашувларни ташкил этиш.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ўқитувчи – методистга қўйиладиган талаблар нимадан иборат?
2. Услубчининг иш мазмунини ёритиб беринг?
3. Услубчининг махсус тайёргарлиги нимадан иборат?

**Таянч иборалар:**

1. Тадқиқотдчилик.
2. Ижодкорлик.
3. Ишчанлик.
4. Ташкилотчилик.
5. Мулоқотлилик.

**Фойланиладиган адабиётлар.**


1. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
2. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
3. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

## ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТ УЮШМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ



5- **мавзу (2 соат)**

## Касбга йўналтириш ишлари, уларнинг босқичлари ва ўтказиш методикаси.

Режа.

1. Касбга йўналтириш ишларининг мохияти.
2. Касбга йўналтириш ишлари босқичлари ва ўтказиш методикаси.
3. Касбга йўналтириш хоналарини ташкил этиш технологияси.

**Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг асосий максади** биринчи навбатда ёшларни ўзининг хаёт йулини тугри белгилашларида ўзининг кобилият, кизикиш ва мойиллигини хамда ижтимоий эхтиёжни хисобга олган холда касб танлашларида кумаклашишдан иборатдир. Бизнинг жамиятимиз хар бир шахснинг кобилиятлари тулик намоён буладиган, юкори самара билан ишлай оладиган фаолият ва шарт-шароитлар билан банд булишига катта эътибор бермокда.

Таъкидлаш жоизки, жорий этилган янги таълим тизимида 17-19 ёшгача булган болалар ота-оналар хамда умумий урта таълим, урта махсус, касб-хунар муассасалари таъсири доирасида буладилар. Улар шу давр мобайнида касб-хунарга йўналтиришлари ва касб эгаллашлари лозим. Бу ишлар албатта оила, мактаб, мактабдан ташкари таълим муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ва турар жойлардаги турли маданий масканларда олиб борилиши лозимдир.

Хар бир ўқувчининг ахлокий тарбияланганлик даражасини чукур ва хар томонлама аниклаб олиш уларга биргалашиб педагогик таъсир курсатишнинг дастлабки босқичи хисобланади. Бунда ўқувчиларнинг оилада, мактабда, буш вактларида катталар, тенгкурлари ва ўзидан кичиклар билан буладиган барча муносабатларини тахлил килиш, уларда мавжуд салбий муносабатларни вужудга келтирадиган сабабларни аниклаш ва бу хақида ота-оналар ўз вактида хабардор килиш лозим булади. Ана шу босқичдан кейин педагогик тадбирларни белгилаш бошланади.

Мактабнинг касб-хунарга йўналтириш хонаси «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонаси тугрисидаги Низом» асосида ташкил этилади ва жихозланади. Мазкур Низомда мактаб касб-хунарга йўналтириш хонасининг вазифалари, унда утказиладиган тадбирлар, стенд ва унда яна кандай маълумотлар булишлиги хақида айтиб утилган. Мактабнинг касб-хунарга йуналтирувчи мутахассиси мазкур хонанинг мудири хисобланади.

# КАСБ – ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Хар бир умумий урта таълим мактабида Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари билан шугуланувчи хоналар ташкил этилади. Хонани мактаб касбга йуналтирувчи мутахассиси бошкариб боради. Мактаблардаги касб-хунарга йўналтириш хонасининг иш мазмуни қўйидагилардан иборат: ўқитувчилар учун касб-хунарга йўналтириш буйича синф рахбарлари ва фан ўқитувчилари билан сухбатлар ўтказиш, ота-оналар учун лекциялар уюштириш мактаб учун касб – хунарга йўналтиришга оид методик материаллар тайёрлаш, касб-хунарга йўналтириш буйича тавсия этиладиган адабиётлар руйхатларини тўзиш.

Касб-хунарга йўналтириш хоналари стендлар, хар хил касбий йуналишдаги схемалар, касблар руйхати ва улар хақидаги маълумотлар шунингдек, касб-хунарга оид хикматли сўзлардан иборат шиорлар, столлар ва касбга йўналтириш буйича хилма-хил методик қўлланмалар ва шкафлар билан жихозланади.

Мактаблардаги касб-хунарга йўналтириш хоналарини яхши ташкил килиниши ва белгиланган тадбирларнинг аник, пухта ва мазмунли утказилиши кенг жамоатчиликнинг диккат-эътиборини шахар ва қишлоқ мактабларида таълим олаётган ёшлар уртасида касб хунарга оид маълумотларни кенгайтириш уларга бу сохада тегишли маслахатлар бериш хамда касб–хунарга йўналтириш ишларини жонлантиришга кенг жамоатчиликнинг диккат эътиборини каратиш лозимлигини белгилаб бермокда. Хозирги пайтда касб-хунарга йўналтириш ишларини жонлантиришда мактаб касб-хунарга йуналтирувчи мутахассиснинг роли мухим ахамиятга эгадир.

Шу максадда касб-хунарга йўналтириш ишларини максадли равишда амалга ошириш учун мактабларда касбга йуналтирувчи ходимларнинг малакасини оширишга алохида эътибор берилиши лозим.

Мактаб касб-хунарга йуналтирувчи мутахассисининг асосий вазифаси Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришни таъминловчи барча маълумотлар банкини яратишдан иборат. Бу максадда касб-хунарга йуналтирувчи мутахассис туман (шахар) ташхис Марказидан олган ахборотлар, касблар руйхати, таснифи худудий касблар руйхати, касбларга булган эътиёж ва бошка касбий ташхис методикалари тавсия ва йурикномаларидан фойдаланади. Касбга йуналтирувчи мутахассис ўз фаолиятини касб-хунарга йўналтириш хонасидан олиб боради, хонанинг иш режаси ва иш графигини ишлаб чикади ва кайси синфлар билан качон, кандай тадбирлар утказилиши аник ёзиб куйилади. Туман (шахар) ташхис Марказларидан олинган маълумотлар касб-хунарга йўналтириш хонасининг деворига Ўқувчиларнинг укишлари хамда мазкур маълумотлар билан ишлашлари учун стендларга осиб куйилмоги лозим. Мактаб йуналтирувчисининг хафталик иш графиги кандай булмоги лозим. Бизнинг фикримизча хафтанинг 6 кунида хар хил

тадбирлар ўтказиш режалаштирилган булиши лозим. Намунавий хафталик тадбирлар режасини келтирамиз;

**Душанба** – Касбий ахборотлар бериш.

**Сешанба** – Касблар  таснифи билан таништириш.

**Чоршанба** – Худудий касблар ва касбларга эхтиёж хақида тушунча бериш.

**Пайшанба** – Ота-оналар билан ишлаш (сухбат касбий тушунтиришлар ва суровномалар ўтказиш).

**Жума** – Касбий ташхислар ўтказиш (касбий ташхис методикалари, суровнома, қўлланма ва бошкалар асосида). Касбий маслахатлар бериш.

Шанба – Килинган ишларнинг тахлили, ташхис натижаларини кайд этиш. Келаси хафта ишларини режалаштириш.

Мазкур намунавий режа албатта касбга йуналтирувчи мутахассис фаолиятини барча кирраларини  тулик ўз ичига олмасада, уларнинг фаолиятида бажариладиган ишларнинг бирор бир тизимини шаклланишига ёрдам беради. Бу намунавий режа мактабнинг ўзига хос сифатларига мос равишда ўзгартириш мумкин.

**Фойданиладиган адабиётлар.**


7. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
8. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
9. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

6 – маъруза (2 соат)

## МАВЗУ: КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ МАЗМУНИ.

*«Агар пойдевор мустаҳкам бўлса,*
*иморат бақувват бўлади»*
***И.А.Каримов***

**РЕЖА**:

1. **Кузатиш.**
2. **Диагностик суҳбатлар.**
3. **Биринчи босқич – мактабгача таълим ёши.**
4. **Иккинчи босқич – 1-4 синфлар.**
5. **Учинчи босқич - 5-7 синфлар.**
6. **Туртинчи босқич – 8-9 синфлар.**
7. **Бешинчи босқич – академик лицей, касб ҳунар коллежи.**

1. Республикамиз мустақиллика эришгандан кейинги йилларда таълимни ислоҳ қилиш бўйича кўпгина қарор ва қонунлар қабул қилинди, уларда ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш вазифалари хам етарлича ўз ифодасини топмоқда. Бунга Халк таълими вазирлигининг 2002 йил 10 октябрдаги 153 сонли буйруғи асосида ўқувчиларни касб - ҳунарга йўналтириш тизимини такомиллаштиришнинг Янги қонцепциясини ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ҳозирги кунда касбга йўналтиришдан мақсад – ўсиб келаётган ёш авлодни касбни (касбларнинг типлари, туркумлари, группалари, бўлимларини) онгли равишда танлашга тайёрлашдир. Кузатиш – ўқувчиларни ўрганишнинг кенг оммалашган методидир. Бу метод муайян мақсадни кўзлайди, иш режа асосида олиб борилади, кузатишнинг якунловчи натижалари қайд қилинади. Инсонинг илмга бўлган чанқоқлигини қондирувчи биринчи зиё чашма бу мактабдир. Мактабда ўқувчи шахс сифатида шакллана бошлайди. Унда дастлабки касбий хиссиётлар юзага келади. Булар меҳнатсеварлик, меҳнат қилиш зарурлигини тушуниш ва англаш, ўз ишини режалаштира ва назорат қила билиш, иш ўрнини тўғри ташқил қилиш, иқтисодий - тежамкорлик, сабр – тоқатлилик, талабчанлик, топшириқни бажаришнинг энг оқилона усули (етти ўлчаб, бир кес) танлаб ола билиш хамда вақтни тежаш ва шу кабилардир. Болаларни касблар оламига аста – секин олиб бориш, уларни шу оламда мўлжал олишга ўргатиш зарур.

Ўқитувчи – ўқувчини дарсларда кузатиш, у билан суҳбатлашиш, бола фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш жараёнида унинг баъзи хусусиятларини қобилият, қизиқиш, мойилликларни пайқаб олади, бу хислат ва фазилатларни шакллантириб булар касбни белгилашда асосий омил бўлиши мумкин. Боланинг касбий муҳим хислат ва фазилатларини барвақт аниклаш ва эса кейинги ўз хусусиятларига қараб касбни тўғри танлаш, уни мувоффақиятли равишда ўзлаштириш, меҳнатда юксак натижаларга эришиш имконини бериши мумкин.

2. Кўпинча мустақил Хамдўстлик мамлакатлари ҳамда Республикамиз олимлари ўтказган илмий – тадқиқотларида болажонларнинг райига, ҳохиш – истагига, интилишини уч босқичда тажриба – синов ишларини умумлаштириб таҳлил қилмокдалар. Диагностик сухбатлар – якка тартибда ёки жамоа тарзда ўтказилиши мумкин. Психолог олим К.М.Гуревич 3-4 ёшли болаларда мотивларнинг бирламчи тобелиги ва дастлабки иродавий ҳаракатнинг пайдо бўлишини татбиқ этиб, болага жимжимадор уйинчокни олишдан – олдин ўзи ёктирмаган ишни бажариш топшириғини берган. Олинган маълумотлардан қўйидагилар маълум бўлди: а) – мактабгача ёш даврида эзгу орзулар йўлида ҳаракат қилиш имконияти тўғилади; б) – ушбу орзуларнинг бевосита боғлиқ сабаблари бевосита сабабларга қарганда эртароқ пайдо бўлади; в) – бевосита идрок

қилинадиган нарсаларга алоқадор ҳохишни бажаришга қараганда, нарсанинг ўзига алоқадор ҳохишни бажаришни муайян муддатга кечиктириш осонроқ. Хулоса қилиб бунинг замирида боланинг майинлиги, нияти, орзуси, касбга қизиқиши, ҳохиш – истаги ва тилагининг мазмуни ҳамда хусусиятидаги ўзгаришлар ётади. Мактаб ўқувчиларининг тахминан 25-30% фоизида танланган касбга нисбатан касбга барқарор қизиқишлар бошланғич кичик ёшларидаёқ шаклланар экан.

Ўқитувчининг вазифаси: - ўқувчиларнинг қизиқишларини мумкин қадар олдинроқ аниқлашда ва давлат, хокимият, махалла, оила талаб – эхтиёжларига мувофиқ шу қизиқишларни ривожлантиришда, инсон шахсини хар томонлама уйгун баркамол топтириш учун  шарт-шароитлар яратишдан иборат.

3. Ўқувчини меҳнат қилишга ўргатиш, нафақат меҳнатни севишга у билан шундай уйгунлашишига кўниктириш керакки, меҳнат унинг вужудига сингиб кетсин. Уларни касб хунарга йўналтириш, оркали бирор касб эгаси бўлишида, ўқувчилар меҳнатисиз бирор – бир нарсага эриша олмасликларини тушуниб етсинлар (4 – шакл) да ифодаланган.

Мактабгача таълим ёшидаги (биринчи босқичда) болалар таълим – тарбиясига қўйиладиган Давлат таълим стандарти талабларида хам мактабгача ёшдаги болаларнинг одоб – аҳлоқи ва меҳнатга лаёқатлиги жиҳатдан етук комил инсон бўлишига катта эътибор берилади. Болалар илк ёшдан бошлаб меҳнатсевар бўлиш ва бошқалар меҳнатни қадрлаш каби одатларга ўргатилади. Мана шу одатлар болани одоб-аҳлоқли, меҳнатга мойиллик қилиб тарбиялаш мазмунининг асосини ташкил этади. Одоб – аҳлоқи ва меҳнатга лаёқатлилигига оид эгаллашлари зарур бўлган минимал талаблари:

- катталар меҳнатини қадрлаш лозимлигини билиш;
- ўзига ишониш;
- ўз – ўзига хизмат қилиш;
- уйда ёки боғча ховлисида енгил юмушларни бажара олиш;
- махаллада ёки томорқада меҳнат қилаётган катталарга кўмаклашиш;
- ўйинчокларни ва хона анжомларини ўз жойига қўйишни билиш;
- меҳнатсевар бўлиш яхши одат эканлигини англаш ва х.к.лар амалга оширилса, бошланғич кичик ёшдаги, ўрта ёшдаги, катта ёшдаги, академик лицей, касб-ҳунар коллежи босқичларнинг асоси ҳисобланади.

4. Ўқувчиларни касбга йўналтириш ёш иккинчи босқичи (бошланғич кичик ёшдаги) қўйидаги мазмуни эга бўлади:

Бошланғич I-IV синф ўқувчиларини касбга йўналтиришдан мақсад уларни меҳнат, касб турлари, йўналишлари билан таништириб бориш ва ўқувчиларда касб фаолиятига бўлган қизиқишни шакллантиришдан иборат. Бунга эришиш учун уларда меҳнат ва касб олами хақида тасаввур пайдо қилиш, - ўқувчилар билан «Ким бўлсам экан», «Касбим-фахрим», «Касб танлаш - ҳаёт кўзгуси» каби мавзуларида суҳбатлар, баҳслар мунозараларни ташкил қилиш; ўз-ўзини бахолай билиш малакаларини ҳосил қилиш; - интеллектуал ва ҳиссий иродавий ҳисларни ривожлантириш: Бу ёшдаги болалар меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишлари унинг хаётдаги ва жамиятдаги ролини тушуна билишларида, ҳар қандай иш бажариш учун интилувчанлик, табиат, атроф-муҳитга ва унинг бойликларини сақлаш ва бошқаларда.

5. Учинчи босқич (5-7 синфлар) ўрта ёшдаги ўқувчиларда касб танлаш ва жамиятда ўз-ўрнини белгилаш билан боғлиқ холда ўзида бўлган қизиқиш, қобилият ва маънавий-моддий қадриятларни англашга замин яратиш. Бўлғуси касбий фаолиятлар бу ёшдаги ўқувчилар учун хаётдаги ўз ўрнини аниқлаш ва тайёрлашда туртки, ўз шаклланиш имкониятларини очиши ва касб танлаши учун зарур бўлади.

6. Тўртинчи босқич (8-9 синфлар) катта ёшдаги ўқувчиларини касб танлашга йўналтириш ишларининг мазмуни шахснинг маънавий фазилатлари ҳамда хислатларини ва жамият олдидаги бурчи, жавобгарлик хислатларини шакллантириш билан ажралиб туради. Бу эса уларда ташаббус билан чиқиш, мустақил қарор қабул қилиш, хатти –

ҳаракатлари натижасида билиш ва ўзининг фаолияти нимага олиб келишини сезиши билан белгиланади.

7. Бешинчи босқич (академик лицей, касб ҳунар коллежи) талабаларнинг касб ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларга танланган йўналишлари (Метал ва унга ишлов бериш, ёғочга ва унга ишлов бериш; Газламаларга ишлов бериш; Озик – овкат маҳсулотларига ишлов бериш; қишлоқ хўжалик асослари; Халқ ҳунармандчилик)бўйича бир ёки бир неча замонавий касбларни эгаллаш имконини беради. Халқимизда илму - ҳунар улуғланиб келган. Агар инсон бирон – бир касбни мукаммал эгалласа, ҳунар унга ҳузур бағишлайди.

## Такрорлаш учун саволлар.

1. Касб танлашда кузатувни олиб бориш услуби нимадан иборат?
2. Касб танлашда диагностик суҳбатлар мазмуни нимадан иборат?
3. Касбга йўналтириш ишларининг моҳияти ва мазмунини ёритиб беринг?

## **Таянч иборалар**:

1. Кузатиш.
2. Диагностик суҳбат.
3. Анкеталар.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

10. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
11. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
12. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

4 - шакл


КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ
Ўқувчиларни касбга йўналтиришга тайёрлашнинг ёш босқичлари мазмуни
Касб хунарга йўналтириш ишларини ривожлантиришинг асосий босқичлари
Мактабгача таълим ёшидаги
Бошлангич кичик ёшдаги
Ўрта ёшдаги
Катта ёшдаги
Биринчи боскич
Иккинчи боскич
Учинчи боскич
Туртинчи боскич
Бешинчи боскич
3-4 ёшлар
1-4 синфлар
5-7 синфлар
8-9 синфлар
Мактабгача таълим ёши
1-4 синфлар
5-7 синфлар
8-9 синфлар
Академик лицей ва касб хунар коллежи

**7-мавзу (2 соат)**

## Касбга йўналтириш ишларини ташкил этишни лойихалаштириш ва амалга ошириш технологияси.

**Режа**

1. **Касбга йўналтириш ишларини ташкил этишни режалаштириш.**
2. **Касбга йўналтириш ишлари ўтказиш технологияси**.

Касбга йуналтирувчи мутахассиснинг фаолияти мактабнинг амалиётчи психологи фаолият билан богланган холда ташкил этилиши лозим. Мактаб амалиётчи психологик методика, суровнома ва қўлланмаларни ўтказиш асосида уларнинг нималарга кизикиш, нималарга мойиллиги ва нималарга лаёкати борлигини аниклайди ва ўқувчининг «Ташхис харитаси»га ёзиб куяди.

Касб-хунарга йуналтирувчи мутахассис ўқувчиларнинг «Ташхис харитаси»даги мавжуд ёзувлар билан танишганидан сунг аникланган кизикиш, мойиллик ва локайдлар асосида уларни касб ва хунарларга йўналтириш касб ва хунарлар ҳақида маълумот бериш ва мазкур касб ва хунарларнинг таснифлари билан таништириш, бу касб ва хунарни қаерларда эгаллаш мумкинлиги ва бошка маълумотлар билан таништиради.

Бу ишлар индивидуал равишда ёки кизикиши мойиллиги ва лаёкатлари муштарак булган ўқувчилар гурухи билан утказилиши мумкин. Юкорида айтилган маълумотлар билан танишгандан сунг ўқувчининг қалбида ўз тасаввуридаги касблардан бирига нисбатан иликлик, мойиллик кейинчалик ва кизикиш пайдо булади. Бу кизикиш вактлар утган сайин Ўқувчи улгайган сайин аниқлашиб, нихоят реалликка яъни, унинг калбига ёккан касбини Ўқувчи томонидан танланишига олиб келади.

Юкорида айтиб утилган тадбирлар Ўқувчининг аник бир касбини танлашини таъминлашда тулик кафолат булла олмайди. Ўқувчи шу касбини ўз кўзи билан куриши, унинг иш шароитлари билан танишиши, шу касб эгалари билан учрашиши каби бошка тадбирларда иштирок этиши лозим булади.

Мактаб касб-хунарга йуналтирувчи мутахассис томонидан Ўқувчиларни касбий кизикишларини ривожлантириш, касблар хақидаги маълумотларни туликрок англаб етиши шунингдек, уларнинг касб танлашлардаги реалликни вужудга келтириш максадида:

1. Мактабда илгор касб эгалари, касб фахрийлари, касб сулолалари билан учрашувлар;
2. Давра сухбатлари;
3. Кечалар;
4. Маърўзалар ташкил этилса максадга мувофик булади.

Ушбу тадбирлар Ўқувчининг шу касбга булган кизикишини янада каттийлашишини вужудга келтиради. Ўқувчи ўзи кизиккан касби ҳақида албатта, ўз ота-онасига айтиши табиийдир. Бу максадда ота-оналар билан ўз

фарзандини касбий кизикишини аниклайдиган сухбат, суровномалар утказилиши фойдалидир.

Касб-хунарга йуналтирувчи мутахассис мактаб Ўқувчиларининг касбга булган кизикиши ва мойилликларини янада ривожлантириш максадида худуддаги мавжуд булган корхона, ташкилот ва муассасаларга ривожлантирувчи экскурсиялар уюштириш максадга мувофик булади.

Ўқувчи 9-синфга борганидан якуний психолог-педагог ва касбий ташхисидан утказилиб, унинг «Ташхис харитаси» асосида аникланган кизикиши, мойиллик ва лаёкадлар тизими тахлил этилиб, Ўқувчининг энг сунгги касбий йуналиши аникланади ва макабда ташкил этилган тавсияномалар бериш буйича худудий комиссия карорига асосан Ўқувчига академик лицей ёки касб-хунар коллежларига йуналтирувчи тавсиянома берилади. Мактабда ташкил этилган худудий комиссиянинг раиси мактаб директории хисобланади. Комиссия таркибига мактаб директорининг маънавий ишлари буйича уринбосари, мактаб касб – хунарга йуналтирувчи мутахассиси, битирувчи синфларнинг синф рахбалари, ота-оналар кумитаси, худудий урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари вакиллари келтирилиши мумкин. Комиссия мактабдаги барча битирувчи 9-синф Ўқувчиларига тавсияномаларни бериб булгандан сунг, худудий комиссиялар фаолият тугрисидаги йурикномада курсатилган хисобот шакли асосида туман (шахар) ташхис Марказига йуналишлари кесимида маълумот беради.

Олий ва урда махсус таълим вазирлигининг урта махсус, касб-хунар таълими Маркази ва унинг худудий бошкармалари касб-хунарга йўналтириш жараёнида ўзининг алохида урнини топиб олиши лозим. Амалдаги мавжуд булган ва яъни пайдо булаётган тайёрлов йуналишлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, уларнинг худудий жойлаши, тайёрлов йуналишлари ва касб-хунарлар, уларнинг мамлакат иктисодиётидаги урни. Хар хил касб ёки мехнат фаолиятининг ўзига хос жозибаси ва нуфўзи тугрисидаги маълумотлар билан ташхис Марказларини, энг мухими хар бир мактабни куроллантириб бориши лозим.

Худудлардаги мехнат бозори, касб-хунарларга булган эхтиёжларини урганиш жараёни йулга куйилиши лозим, бу ёшларни касб-хунарга йўналтиришда ва мамлакат мехнат бозорига малакали мутахассислар етказиб беришда нихоятда мухимдир.

Бундан ташкари, урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўзларининг таълим хизматлари маркетингини ташкил килиши ва умумтаълим мактаблари Ўқувчилари билан тегишли таргибот ишларини йулга куйиши, касбга йўналтириш хоналарини жихозлашга амалий ёрдам курсатиши лозим.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда мактаб, касб-хунар коллежлари, махалла фукаролари йигинларининг ўзаро хамжихатлиги жуда катта ахамият касб этади.

Касбга йуналтирувчи мутахассис мактаб маъмурияти билан биргаликда ноанъанавий саёхат дарсларини ташкил этиб Ўқувчиларни хар хил сохавий коллеж, корхона, фаолияти, йуналиши ва хаёти билан таништириши, у ерда илгор ишчилар билан хар хил мавзуларда учрашувлар ўтказишлари лозим.

Касбга йуналтирувчи мутахассиси, психолог ва фан ўқитувчилари ўзвий мулокотда иш олиб боришлари талабга мувофикдир. Масалан: мехнат таълими дарсида Ўқувчи ўзи кизикадиган ёки лаёкати бор касбини тула намоён эта олади, хамда у дарс давомида «Дурадгорлик», «Пазандачилик ва ошпазлик», «Тикувчилик ва бичувчи», «Авточилангарлик» шунингдек, математика дарсидан хисобчи, она тили ва одобнома дарсида «тарбиячи-муаллим педагог» касбига мойиллиги борлигини курамиз. Айни вактла шу дарс муаллими синф рахбари Ўқувчига касб маданияти билан бирга ташхис бериб бориши керак.

Мактаб ота-оналар йиғилиши касб-хунар коллежлари, академик лицей ходимлар билан биргаликда олиб боришлари максадга мувофик. Чунки, Ўқувчи ота-онаси хамкорлигида касблар хақида ахборот олади ва уни танлаш имкониятига эга булади. Оиладаги ўзаро хамкорлик тула холда касбни танлаш имкониятини яратиб берсагина шунда Ўқувчида касб мойиллига пайдо булади.

Бу Ўқувчиларни кизиккан йуналиши ва касби буйича укишга кабул килганимизда, махала фукаролари йигини томонидан маълумотнома оламиз, шунинг учун Ўқувчи мактабни тамомлаб, кайси касб – хунар ёки академик лицейда укишни давом эттирганлиги хақида маълумот махала фукаролар йигинида хам саклаш максадга мувофикдир.

Касб-хунар коллежига кабул килинган Ўқувчига касбини ургатиш, изланувчанлик ва ижодкорлигини орттириш, коллежнинг мухандис педагоглар зиммасида булиб, улар ўзларининг касб хунар махоратларини ўқитувчига тула намоён эта олиши керак. Ўқувчиларнинг касб хунарга коллежларини тамомлагач, корхоналарга ишга жойлашиши ёки олийгох бакалаврга кириб укишни давом эттиришлари долзарб масала хисобланади. Демак коллежнинг мухандис педаголари худудий мехнат биржалари ва олийгох маъмуриятлари билан ўзвий алоқада булиши талаб этилади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ўзвийлиги мамлакатимиздаги Янги таълим тизимини ислох этишда ўз самарасини беради. Хаар бир касб-хунар коллежлари уртасида  ракобатни юзага келтиради. Кайси касб хунар коллежининг битирувчиси кўпрок ишга жойлашса ёки ўз мутахассислиги буйича  олий ўқув юртларида укишни давом эттирса, шу касб-хунар коллежининг вилоят ёки республика микёсидаги рейтинг курсаткичлари ошиб боришга имкон яратилади. Шу билан бирга биз келажак авлодни хаётда ўз урнини топишга, ватанимизнинг равнакини янада оширишга хисса кушган буламиз.

**Фойданиладиган адабиётлар.**


13. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
14. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
15. Н.Шодиев «Студентларга ўкувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

**8 – маъруза (2 соат)**

## МАВЗУ: КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ МАКТАБ СИСТЕМАСИ. ЎҚИТУВЧИНИНГ ШАХСИ.

*«Дилба ёру, дастба кор» «Оллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин»*
***Баховуддин Нақшбанд***

**Режа:**

1. **Фан ўқитувчилари.**
2. **Синф раҳбари.**
3. **Тўгарак бошлиқлари**.

Касбга йўналтириш ишини амалга оширишнинг умумий системасида мактаб системаси дастлабки босқич ҳисобланади. Касбга йўналтириш ишида мактаб системасининг вазифалари:

- шахснинг юксак маънавий – аҳлокий фазилатларига эга бўлган фуқароларни тарбиялашдан;
- политехник ва бошланғич касбий малакаларнинг муайян системасини эгаллаган бўлғуси малакали мутахассисни тайёрлашдан;
- хам шахсий мехнат, ҳам жамоа меҳнати муайян ташкилотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат.

**<u>Ўқувчиларни касб танлашга тайёрлаш</u>** – бутун педагоглар жамоасининг, ота – оналар, маҳалла, жамоатнинг кўп йиллик таълим – тарбия ишидир. Ёшларни касбий маънавий – жиҳатдан меҳнат фаолиятига тайёрлашга шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг ўзаро боғлиқ жараёни деб қаралади, бу жараёнда қизиқиш, қобилият миллийлик, эҳтиёж ва эътикодларни ўсмирнинг шахси ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади (5 шакл) да ифодаланган.

Қобилият ва қизиқишларни шакллантиришнинг политехник асослари ва мактаб ёшлари бошланғич ишлаб чиқариш тайёргарлигини кенгайтириш билан узвий боғлиқ бўлиши ишчи касбларини эгаллашга йўналтиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Меҳнат тарбияси жараёни бирмунча илк босқичда амалга оширилган тақдирда бунга эришилади.

Ўрта ва юқори босқич таълимида давомийлик шу ҳолда ифодаланадики ўқувчилар мунтазам тамойил асосида тузилган ягона дастурлар бўйича ишлайдилар. Бундай дастурлар аста-секин мураккаблаштирилиб боришни, билим, кўникма ва малакаларни, мехнатнинг муайян усулларини эгаллашни таъминлайди.

Таълим ва касбга йўналтириш билан қўшилган унумли меҳнатда мунтазам қатнашиш энг кўп педагогик самара беради.

Мактабда касбга йўналтириш соҳасидаги ҳамма ишларнинг бир-бирига мувофиқлаштирилишини таъминлаш мақсадида мактаб директори раислигида касбга йўналтирувчи кенгаш тузилади.

Кенгаш тартибига мактаб директорининг тарбиявий маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини, касбга йўналтирувчи ўқув-методик кабенит мудири, меҳнат таълими, ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатни касбга йўналтирувчи ўқитувчи ёки ташкилотчи, битирувчи синфларнинг синф раҳбари, мактаб кутубхоначиси, мактаб ўқувчилар ташкилотнинг вакиллари, мактаб врачи, ота-оналар қўмитасининг аъзолари, базавий корхона вакиллари киради.

Касбга йўналтирувчи кенгашнинг иш режасини мактабдаги касб-ҳунарга йўналтириш комиссия кенгаши кўриб чиқади ва тасдиқлайди, яъни; - утказиладиган педагогик кенгаш;

- мактаб рахбари ҳузуридаги кенгаш;
- касб-ҳунарга йўналтириш комиссия таркибини тасдиқлаш;
- комиссия аъзоларининг вазифалари;
- берилган вазифаларнинг бажарилиш муддати;

**Касбга йўналтирувчи кенгашининг вазифалари** - касбга йўналтириш бўйича умуммактаб ва синфларнинг тадбирларини режалаштириш ва ташкил қилишдан, касбга йўналтириш ишига оид илғор тажриба маълумотларини йиғиш, умумлаштириш ва оммалаштиришдан иборат.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришини ўтказган чоғда мактаб ходимлари ва мактаб маъмуриятини вазифалари ўқувчиларни касбга йўналтиришга оид йўриқномалар, буйруқлар, қарорлар билан танишишдан, илмий-методик адабиётни ўрганишдан, чақирилган методик тавсияномаларни ўрганиш ва ўз ишларида фойдаланишдан иборат.

**2. Синф раҳбарининг вазифалари** - ўқувчининг шаклланаётган шахсини, унинг майиллиги, қизиқишлари, қобилиятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Бу соҳада унга фан ўқитувчилари, ота-оналар билан суҳбатлар, савол варақасини тўлдириш ва ўқувчининг шахсий варақачаси-тавсифномасини тўлдирган ҳолда уни мунтазам равишда кузатишга ёрдам беради. Синф раҳбари ўқувчининг шахсини ўрганиш негизида муайян дастур асосида меҳнат таълимини давлат таълим стандартига таянган ҳолда касбга йўналтириш ишини олиб боради. Бунда синф соатларидан, факультатив машғулотлардан ва экскурсиядан фойдаланилади. Касбга йўналтириш иши ўқувчиларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алоқада ўтказилади.

Ўқувчиларни йилига бир марта савол варақасини тўлдиради. Бунда мақсад-ўқувчиларнинг ҳаётий режаларини аниқлаб олишдир. Синф раҳбарлари савол варақаси асосида ўқув йили охирида касбга йўналтирувчи мактаб кенгашига топшириш учун у ёки бу касбни онгли равишда танлаган ёки зарур малака даражаси бўйича касб эгалланган ҳамда ўқиш ва иш хусусидаги ўз истакларини билдирган 9 ва 11 синф ўқувчиларнинг рўйхатларини тузадилар.

Ўқувчилар меҳнат таълими дарсларида меҳнатнинг ҳар хил турларига оид билимларнигина олиб қолмай, шу билан бирга ўз фаолиятлари жараёнида махсус малакаларга ҳам эга бўладилар, ўз қобилиятларини ривожлантирадилар, меҳнатда ўз кучиларини синаб кўрадилар. Шу боисдан меҳнат таълими ўқитувчиси меҳнат дарсини шундай ташкил қилиши керакки, токи ҳар бир ўқувчи меҳнатни севишни ўрганиб олсин, инсонларга наф келтирадиган бўлсин, иш жараёнидан ва унинг натижаларидан завқлансин.

Меҳнат ўқитувчиси меҳнат таълими жараёнида касб қилиб олинган меҳнат тўғрисидаги маълумотларни аниқ мавзуларни ўрганиш билан мантиқий боғлаш мумкин. Чунончи, электротехника физикаси ва бўлимини ўрганган чоғида ўқитувчи халк хужалигида электр қувватининг роли ва аҳамиятини, уни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчига етказиб бериш усулларини кўрсатиши, шунингдек ушбу тармоқ касблари учун катта гурухга бўлишни тушунтириб бериш мумкин. Биринчи гурухга электротехника ускуналари, машиналари, аппаратлар ва асбобларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ касблар (электротехника машиналарини йиғувчи слесаръ, созловчи слесаръ ўровчи электомонтёр, изоляция қилувчи ва шу кабилар); иккинчи гурухга электр қуввати узатиш билан боғлиқ касблар (подстанцияларнинг электромонтёри, электр тармоқларини ишлатувчи электромонтёр ва шу кабилар); учинчи гуруҳга электр қувватидан фойдаланиш билан боғлиқ касблар (электромонтажчи слесаръ, таъмирчи электромонтёр ва шу кабилар) киради.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ўқитувчининг шахси жуда катта ролъ уйнайди.

Ўқитувчининг шахси – ўқитувчининг илмий-изланиш ижодий ривожланишини, юксак касбий-педагогик маҳоратини, ишда доимий новаторлигини, меҳнатсеварлигини, талабчанлигини, ўқувчиларга нисбатан муҳаббат ва ҳурматини белгилаб берадиган хислатлари мажмуидир. Айни шундай ўқитувчи-ўқувчиларда (устоз-шогирд) ўзига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ишга ҳавас уйғотади, ўзига ўхшаш бўлиш, у билан дўстлашиш энг эзгу истаклар, истиқбол тўғрисидаги, ўз касби ҳақидаги орзуларни баҳам кўриш иштиёқини яратади**.**

**3**. Мактабда қизиқишлар бўйича ўтказиладиган хилма – хил машғулотлар орасида тўгарак иши алоҳида аҳамият касб этади. Мактабда тўгаракларнинг асосий кўпчилигини

меҳнат таълими ўқитувчилари олиб боради. Тўгарак ишини ташкил этишда ва ўтказишда қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- ўқувчиларнинг касбларга йўналтириш соҳасига қизиқишини аниқлаш;
- ўқувчиларга махсус касбларга йўналтириш соҳасига оид назарий маълумотларни бериб бориш;
- машғулотлар давомида “Устоз” ва “Шогирд” муносабатлари ва муомала маданиятини сингдириб бориш.

Булар  ишлаб-чиқариш – техника тўгаракларидир. Ўқитувчи бундай тўгаракларда ўқувчиларда ихтирочилик, конструкторлик сингари махсус қобилиятлари ижодий ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш имкониятига эга.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўқувчи шахсини ўрганган чоғда касбга йўналтириш мақсадида куйидаги қоидаларга: шахс камол топадиган конкрет вазиятда конкрет жамоада шахснинг хулқ-атворини кўзатиш; фаолият орқали шахсни ўрганиш; шахсни қандайдир қотиб қолган нарса тариқасида эмас, балки тараққиётда кўриб чиқиш; шахснинг вақтинча психологик ҳолатини, ўртоқларига муносабатини ҳисобга олиш каби қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг ишида психологик диогностика катта ўрин ажаратилади. Психологик диогностика жараёнида у мактаб, маҳалла ўқув ишлаб-чиқариш комбинати, касб-ҳунар коллежлари касб маслаҳатчиси билан биргаликда ҳар бир ўқувчининг келгусида касбни танлаши жараёнида шахсий хусусиятларини аниқлаши мумкин.

Шундай қилиб, меҳнат таълими ўқитувчиси ишида қўйидаги йўналишларни;

- касб маориф – ўқувчиларни меҳнат фаолияти соҳалари, халқ хўжалигининг айрим тармоқлари, касблар ва мутахассисликлар билан таништириш;
- психологик педагогик маслаҳат – меҳнат фаолиятининг турлари тўғрисида, ўқувчи хислатлари, билимлар ва майилларига энг мувофиқ бўлган касблар ва мутахассисликлар ҳақида ўқувчига гапириб бериш;
- касб тарбияси – ўқувчиларда у ёки бу касбга нисбатан барқарор қизиқишларни шакллантириш;
- амалий касбий кўникиш - меҳнат фаолиятининг турли соҳаларида кучларни амалий жиҳатдан синаб кўриш учун шарт-шароитлар яратиш;
- касбга йўналтириш мақсадида ўқувчининг шахсини ўрганиш, меҳнатга бўлган қизиқишларни ва касбга қизиқишларни шакллантириш каби йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики - ўқувчиларда касбга бўлган барқарор қизиқиш ва қобилиятини шакллантириш ишлари самарадорлигини ошириш учун:

- фан асосларини ўқитишнинг, меҳнат таълимининг ва факулътатив машғулотларнинг фанлараро алоқаларини, давомийлигини, политехник ва касбларга йўналтириш (олти хил) йўналишини рўёбга чиқариш;
- полтехник маълумот, меҳнат таълими ва касбга йўналтиришнинг ўқувчилар ижтимоий фойдали, унумли меҳнати билан ўзаро алоқасини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг бир мақсадга қаратилган ижтимоий аҳамиятли ўқув ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришлари;
- ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ўқувчиларнинг қизиқишини ривожлантиришга шахсий, табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш;
- ўқувчиларни касбга йўналтириш соҳасида мактаб ўқитувчилари билан ишлаб чиқариш жамоаларининг биргаликда иш кўриши;
- саноат қишлоқ хўжалик касбларини тарғиб қилиш лозим.

Аник - касбий туркум фанларни ўрганган чоғда ўқувчилар аниқ иқтисодий тумандаги етакчи касблар бўйича меҳнат мазмуни билан танишиш, ана шу касбларни мувоффақиятли эгаллаш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни олиш имкониятига эгадирлар.

5 – шакл.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ

**I – босқич**
**Излаш ва аниқлаш**

- ўқув фанларни ўзлаштириш
- ўқитувчиларнинг тавсиялари
-ижодий кўргазмалар ва танлов натижалари
- Фан олимпиадалари натижалари
- матбуотда эълон қилинган ишлар

-махсус тест синовлари
- сущбат натижалари

Эътибор қиладиган белгилар

- ақлий салоҳият
- ижодий фикрлай олиши
- қизиқувчанлиги
- маълусиятлиги
- ташаббускорлик
- муомала қила олиши
- ишчанлиги
- ватанпарварлиги
-тўғри хулоса чиқара олиши

**II – босқич**
**Мақсадни белгилаб олиш**

- фан ва техника, таълим ва бошқа маълумот сощалари быйича Олий ықув юртларига киришга тайёрлаш.
- халқ хыжалагининг турли сощаларига тайёрлаш
- турли щалқаро танловларда, олимпиадаларда иштирок этишга тайёрлаш
- ижодий қобилиятини ривожлантириб, истеъдодини намоён этишга ёрдамлашиш

**III – босқич**
**Мақсадли тайёрлаш**

- чет тилларни пухта ўргатиш
- компъютер саводхонлигини ва Интернет тизимидан фойдалана олишини таъминлаш.
- махсус дастурлар асосида индивидуал машғулотлар ўтказиш.
- ижодий жамоалар ишига жалб қилиш
- илмий мактаблар ва Олий ўқув юртлари лабараторияларининг ишига қатнаштириш
- адабиётлар билан ишлаш мақола ва тезислар ёзиш кўникмаларини шакллантириш
- турли конференция, семинар ва илмий анжуманлар ишига қатнашиши
- экспедициялар, ёзги йиғинлар, конкурсларда иштирок этишини таъминлаш.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Касб танлашда фан ўқитувчининг аҳамиятини ёритиб беринг?
2. Синф раҳбарининг ўқувчиларни касб танлашига йўллаш иш мазмуни нимадан иборат?
3. Синфдан ташқари тўгарак машғулотларнинг касб танлашда тутган ўрни нимадан иборат?

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Иш шароити.
2. Ишни ташкил қилиш.

## АДАБИЁТЛАР:


1. К.Давлатов "Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси" Тошкент "Ўқитувчи" 1992 йил
2.К.Давлатов, В.Чичков. "Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш" Тошкент "Ўқитувчи" 1978 йил.
3. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш" курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи" 1989 йил
4. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш" Тошкент "Ўқитувчи" 1992 йил.

**9 – маърўза (2 соат)**

## МАВЗУ: ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДА КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШ УСЛУБИЯТИ.

*“Илм кўпга етказар, хунар эса кўкка”*
*(Ўзбек ҳалқ мақоли)*

**РЕЖА:**

1. **Касб танлашга йўллаш комиссияларини ташкил қилиш.**
2. **Ўқитувчилар билан услубий ишларини ташкил қилиш.**
3. **Ўқувчилар билан ишлаш.**
4. **Ота-она билан ишлаш.**

**Касб танлаш (касбга яроқлилик)** – методларидан касбга йўналтиришнинг фақат якунловчи босқичида фойдаланиш мумкин, бу касбни эгаллагани ҳолда дастлабки тиббий-физилогик ва психологик кўрикдан ўтмаган йигит қизлар учун танлаган касби зид бўлиши ҳам мумкин. Шу боисдан касбга йўналтирувчи бошланғич босқичда ҳам, шунингдек якунловчи босқичда ҳам ўтказилиши лозим.

**Касбга яроқлилик** – мазкур кишининг ушбу касб бўйича меҳнат вазифаларини бажариши учун яроқли ёки яроқсизлигини қайт қилишдан иборат. Касбга яроқлиликни бошқа жиҳатдан ҳам:

1. одам ўзи танлаган касбга яроқлими ёки йўқлиги;
2. ҳаёт йўлини танлаган чоғда у нималарга амал қилиши лозимлиги;
3. уни ўқитиш масаласига қандай қилиб бир мунча оқилона ёндошиш, яъни унда касбга яроқлиликни қандай қилиб ғоят мақсадга мувофиқ тарзда шакллантириш, тарбиялаш ва ривожлантириш мумкинлиги жиҳатдан ҳам кўриб чиқиш керак.

Касбга яроқлилик ўқув ва меҳнат фаолиятига шаклланадиган шахс фазилатидир. Касбга яроқлиликни шахснинг касбга нисбатан қўйилган талабларга мос бўлган туғма ёки ҳосил қилинган писхофизиологик хусусиятлари йиғиндиси деб қараш ярамайди. Фақат баъзи касблар (созанда, рассом ва шу кабилар) учун муайян табиий маълумотлар талаб қилинади: Яъни психологик, меҳнат ўқитувчиси ва бошқаларнинг вазифаси ўқув касб (мутахассислик)ни ёки ўқув юртини тўғри ёки нотўғри танлаганини; -танлаган касби ёки ўқув юрти унинг майиллари ёки қобилиятларига мос ёхуд мос эмаслигини; -касбни ёки ўқув юртини танлаш важлари, ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг ва шу кабиларнинг фикри қандай эканлигини аниқлашдан иборат. Ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишлари, мойилиги қобилиятини ана шундай маълумотлар асосида аниқланади**.**

**2.** Ўқувчиларни касбга йўналтириш ишини амалга оширишда ўқитувчилар ва синф раҳбарлари; ота-оналар қўмитаси кенгаши; тўгаракларнинг раҳбарлари бевосита иш олиб борадилар. Мактабдан ташқари муассасалар, одатда қизиқишлари, мойилиги ва қобилияти етарли даражада намоён бўлган ўқувчиларни бирлаштиради. Бундай ҳолларда ўқувчиларда ижодкорлик ва ташаббус руҳи устунлик қилади, улар амалий фаолиятнинг хусусияти эса муайян ижтимоий аҳамият касб этади.

Мактабдан ташқари муассасалар (ўқувчилар уйи, болалар кутубхоналари, ёш табиатшунослар ва ёш тажрибачилар техника станциялари, ёшлар клуби, ихтирочилик-рационализаторлар бюролари ва шу кабилар) касбга йўналтириш умумий иши системасида фаол қатнашадилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишда ўқитувчиларнинг махсус қизиқишлари шаклланади ва уларнинг қобилиятлари ривожланади. Булар меҳнат политехник таълимини тўлдиради, ўқувчиларда касб танлашнинг ижтимоий аҳамиятга молик важ сабабларини шакллантиришга ёрдам беради, халқ хўжалиги турли тармоқлари билан танишишни кенгайтиради, ўқувчиларни қизиқтирадиган касблар ва мутахассисликларни,

аввало ўз тумани, вилоятидаги касблар ва мутахассисликларни чуқур билиб олишга имкон беради. Касбларга йўналтириш бўйича факультатив курс касбга оид маълумот олиш, узил-кесил касб танлашга йўллаш, реал ишга жойлашиши ҳамда ўқувчиларга маслаҳат бериш имкониятларини кенгайтиради.

3. Ўқувчиларни касбга йўналтириш иш шаклларини бир қанча белгиларига қараб қуйидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқдир:

I. Ўтказилаётган тадбирларда қатнашадиган ўқувчилар сонига қараб:

1. Бир неча параллел синфлар, аралаш синфлар қатнашадиган тадбирлар.

II. Ташкил этиш услубларига қараб:

1. Ялпи тадбирлар – лекциялар, йиғилишлар, конференциялар, олимпиадалар, кинофильмларни кўриш; тематик кечалар, ишлаб чиқариш илғорлари билан ўтказиладиган учрашув кечалар; касб бўйича календар кунлар.

2. Гуруҳий тадбирлар – экскурсиялар, маслаҳатлар, касблар бўйича танловлар, ёш техникларнинг мусобақалари, корхоналар ва етакчи касблар билан танишиш мақсадида жонажон ўлка бўйлаб сайёҳлик юришлари**.**

**3.** Якка-якка ўтказиладиган тадбирлар **–** касб ҳақида маслаҳат бериладиган суҳбатлар, касб тўғрисида тавсия этилган китобларни ўқиш, учрашувлар, конструкторлик, тажриба иш юзасидан якка тартибда бериладиган топшириқлар; ўқувчини қизиқтирадиган фан ва техника соҳасини чуқурлаштириш ва ривожлантириш мақсадида қўшимча адабиётлар билан ишлаш**.**

**III. Мазмун манбаларга қараб:**

Касблар билан таништириш; -саёҳатлар, малакали ишчилар ва мутахассислар билан учрашувлар, ўқитувчининг ҳикояси ёки суҳбати, кинолардан парчалар, фотосуратлар, рўзнома ва ойномалардан олинган махсус материалларни намойиш қилиш учун проекцион аппаратлардан фойдаланиш; -таклиф қилинган ишлаб чиқариш ишчисини суҳбати; касблар ҳақидаги маълумотномалар билан танишиш; -меҳнат ва ишлаб чиқариш таълими билан боғлиқ касблар тўғрисидаги очерклар ўқиш; -мутахассислар билан суҳбатлар ўтказиш ёрдамида ахборот материалларини тўплаш; -фотосуратлар, фотоальбомлар кўрсатиш; ишлаб чиқариш шароитида малакали ишчилар касбий фаолияти тўғрисидаги кинофильмларни намойиш қилиш; -базавий хўжаликда ишлаб чиқариш тажрибаси вақтида касблар билан танишиш.

IV. Касбга йўналтириш тадбирларини рўёбга чиқариш воситалари бўйича; -“Ўқиш учун қаерга кириш керак” маълумотномасининг нашр этиш, касблар ва касб хунар коллежлари ҳақидаги плакатлар, эълонлар, реклама варақалари; -мазкур иқтисодий районда мавжуд касбларнинг қисқача тавсифлари бўлган тўпламлар; -“Меҳнат йўлини танлаш”, “Менинг касбим-энг яхши касб” мавзусидаги кинофильмлар; -реклама қилинадиган телевизион фильмлар, цехлар, ўқув юртларидан олинган телевизион репортажлар; -касблар мусобақа илғорлари тўғрисида радиоэштиришлар, касб-хунар коллежлари ёшларининг турмуш ва ўқиши ҳақидаги ҳикоя қилувчи жумҳурият ва маҳаллий рўзномаларда босилган мақолалар; шаҳар кинотеатрлари фойелларида, магазинларнинг витриналарида, катта кўчаларнинг чорраҳаларида ишчи касбларини тарғиб қилувчи стендлар ва кўргазмалар; -кўчалар ва майдонлардаги ёшларни касб-ҳунар коллежларига ўқишга киришга даъват этувчи ёрқин бўёқли чақириқлар.

4. Мактаб касбга йўналтириш иши системасини таркиб топтириш ҳали ниҳоясига етказилгани йўқ. Касбга йўналтириш системаси таркибий тузилиши касбга йўналтириш мақсад ва вазифаларини: - яъни мактаб таълим босқичлари бўйича унинг мазмунини: - базавий корхоналар, ота-оналар жамоатчилиги иштирокидаги касбга йўналтириш ишининг йўналишларини; -касбга йўналтириш тадбирларини амалга ошириш шакллари, методлари ва воситаларини; -муайян ишчи касблари бўйича унумли меҳнатда мактаб ёшлари иштирокининг аниқ йўлларини ўз ичига олиши лозим (6-шакл)да ифодаланган.

Умум ўрта таълим мактабида ўқувчиларни касбга йўналтиришни ривожлантириш қуйидагича босқичма-босқич амалга оширилади, булар:

II. Халқ хўжалиги тармоқлари билан умумий таништириш.

III. Ишлаб чиқариш техникаси, технологияси ва иқтисодиётни умуман ўрганиш.

IV. Касбларнинг асосий гуруҳлари билан таништириш.
V. Вилоят, туман хўжалиги бирон тармоғининг, базавий корхонанинг танланган ишчи касбини дастлабки эгаллаш босқичларидир.

Касбга йўналтириш мактаб системасининг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) касбга йўналтириш ҳар томонлама камол топган, фаол шахсни шакллантиришга қаратилган педагогик жараённинг режали равишда амалга ошириладиган узвий қисми сифатида;

б) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий талаби асосида меҳнат йўлини танлашнинг шахсий ва ижтимоий муаммосини тўғри ҳал қилиш;

в) касбга йўналтиришнинг оғзаки методларини атроф-теваракдаги корхоналар етакчи ишчи касблари асосларини эгаллаш борасидаги конкрет амалий ҳаракатлар билан қўшиб олиб бориш;

г) мактабдаги барча дарсларда юқорига кўтарилиб борувчи чизиқ бўйича касб маориф ва касбни тарғиб қилишнинг поғонали тузилиши;

д) мактаб, оила ва ишлаб чиқаришнинг биргаликдаги куч ғайратлари билан ишчи касбларига қизиқишни тарбиялашнинг фаол методлари.

Намунавий дастур талабларига мувофиқ ҳар бир ўқув фани бўйича дарслар мазмунини ҳисобга олиб, касбга йўналтиришни синфдан синфга режалаштириш масалалари энг мураккаб ишдир.

Оммавий мактабларда касбга йўналтиришнинг амалий вазифаларини ҳал қилишга системали ёндашиш усули қўлланилади. Касбга йўналтиришнинг синфлар бўйича асосий мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин:

Бошланғич синфларда: атроф-теваракдаги маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ва табиатдан фойдаланган ҳолда меҳнат фаолияти турлари билан таништириш.

Ўрта синфларда: умумий таълим туркум ўқув фанлари дарсларида оғзаки методлари ёрдами билан ҳамма ишларни ўз ичига оладиган ва бирга қўшилган касбларнинг асосий гуруҳлари билан меҳнат таълими дарсларида эса металл ишлаш, электротехника, ёғочга ишлов бериш касблари меҳнат усуллари билан кўргазмали таништириш.

Юқори синфларда: аниқ ишчи касблари асосларини эгаллаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг аниқ соҳалари негизида касбга йўналтириш.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган мақсадли касбга йўналтириш мактаб системаси мазкур муаммонинг ҳамма жиҳатларини қамраб олиш имконини яратади, ҳозирги шароитда туман, шаҳар, вилоят ва жумҳурият доирасидаги янги ижтимоий - иқтсодий тафаккур асосларини ҳал қилишни ҳисобга олиб, уни такомиллаштириш йўлларини белгилашга ёрдам беради.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Касб танлашда жамоатнинг ўрни?
2. Ўқитувчиларни касб танлашга йўналтириш ишлари бўйича қандай тадбирлар ўтказиш зарур?
3. Касб танлашда ота - оналарнинг аҳамияти ҳақидаги тушунча беринг?

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Услубий ишлар.
2. Ташкилий режа.

## АДАБИЁТЛАР:


**1.** К. Давлатов “Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил

**2.** К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.

**3.** С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил

**4.** Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

**6 – шакл.**



ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ ТАНЛАШГА ТАЙЁРЛАШ
Ўқувчиларнинг касб танлаш тизими
Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш мақсадида ўрганиш
Касблар быйича маълумот
Касбий – маънавий тарбия
Касбий тавсиф
Касбий ташхис
Касбий маслащат
Касб – щунарга йыналтириш
Сущбат
Кузатиш
Диагностик
Синфдан таш=арии тыгарак ишларининг тащлили
Мактабларда касбга йўналтириш ишларининг тахлили
Мащалла, ота-она, педагогик тажриба сони

10-маърўза (2 соат)

## МАВЗУ: МАКТАБ ТАРБИЯСИ

*«Ҳунар – зар, ҳунарсиз хор»*
*(Ўзбек халқ мақоли)*

### РЕЖА:

1. **Дарсларда касб танлашга йўллаш.**
2. **Турли мутахассисликлар билан таништириш.**
3. **Мактаб атрофидаги корхоналар билан таништириш.**

**1**. Мактаб ёш авлодга барвақт касб-ҳунар ўрганиш тамойилини рад этиб, 9-синф ўқувчиларини касб танлашга йўллаш, мустақил ҳаёт йўлини танлашга тайёрлаш учун жамиятга наф келтирадиган фаолията қизиқишни тарбиялайди. Бу эса меҳнат – касбий маънавий тарбия энг муҳим вазифаларидан биридир (7-шакл) да ифодаланган.

Ўқувчиларда меҳнат тарбияси, меҳнат тушунчалари, касб турларининг – ахлоқий тушунчалар, эътиқодни, одатларни шакллантиришни, ахлоқий тажрибани бойитишни назарда тутади. Ўқувчи таълим олиб, тарбияланиши билан бирга меҳнат жараёнининг ўзини ўрганиши, билиши ва уддалай олиши муҳим вазифа қилиб қўйилади.

Ҳозирда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда психологик-педагогик ташхис марказларининг мутахассислари олиб бораётган ишлар салмоқли ўринга эга. Ўқувчи – ўқитувчи учун ҳам касбий билимни ривожлантиришнинг энг қулай шаклидир. Илғор педагогик тажриба ўқитувчилар, тарбиячилар, таълим муассасаси раҳбарларининг ўз касбий билимлари, вазифаларига ижодий ёндошиб, таълим-тарбия жараёнида янги самарали усуллар, воситаларни қўллашлари, илмий-амалий изланишлар олиб боришлари билан характерланади. Малакали педагог кадрлар етишмаслигининг олдини олиш учун бугундан ўқувчиларни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш, билимларни чуқурроқ бериш, назария билан амалиёт узвийлигини таъминлаш зарурдир.

Педагогик-психологик илғор иш тажрибалари учун муҳим бўлган йўналишларни ўрганиш асосида шаклланадиган касбий қобилиятлар ўқувчида босқичма-босқич, аста-секинлик билан шаклланади. Бундай қобилиятларнинг шаклланиши унинг касбий билимини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Касбий йўналтириш замон билан ҳамнафас олиб борилиши зарур. Бугун ўқувчи «ўқитувчи» лик касбини эгаллашни истаймайди. Сабаби ўқитувчи обрўйи жамиятда ўз ўрнини етарлича топмаган. Ўқувчи «бизнесмен», «прокурор» бўлишни истайди. Сабаби бу каби амаллардаги манфаат масаласи уларни қизиқтириб, оҳанграбодек ўзига тортмоқда. Шундай экан, ўқувчи ҳар бир касб мураккаблиги, заҳмати унга эришиш йўллари ҳақидаги тўлақонли маълумот олиши, асосан зиёлилар оиласидан тортиб, оддий ишчига қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- Касбий маълумотларни етарлича бериб бориш.
- Мактаб, оила, маҳалла, касб-ҳунар коллежлари, ташхис марказларининг фаолиятини кучайтириш;
- Касбга йўналтирувчилар: ота-она, фан ўқитувчилари, синф раҳбарларининг иши ўз сўзига муносиб бўлганидагина ўқувчининг севган касбига чуқурроқ боғланишини эътиборга олиш:
- «Ким бўлишни истайман?», «Нима учун шу касбни танладим?» саволларига жавоб излаш учун янги инновацион технлогиялардан фойдаланиш;
- Техника ва фан тўгараклари фаолиятини илдам ривожлантириш;
- Ҳар хил касб эгалари билан учрашувлар, суҳбатлар уюштириш;

- Касб танлашга қийналаётган ва иккиланаётган ўқувчилар билан индивидуал тарзда ишлаш;

- Эътиборсизлик, ўқувчи хоҳишига кулоқ солмаслик ёмон оқибатларга олиб келмаслиги учун, бола инеллектидаги бунёдкорлик, тадбиркорлик хусусиятларига теран ёндошиш, педагогик, психологик, ташкилий томондан ўқувчи онгидаги тушунмовчиликга барҳам бериш;

- Касб-ҳунар йўналтирувчи методик тавсиялар давлат талабига мос равишда бўлиши керак.

Ўқувчиларни маълум бир касб эгаси қилиш муҳим педагогик муаммо бўлиб, бу масалага ўтиш аждодларимиз ҳам эътиборларини қаратганлар. Масалан, Авесто, Қуръон Карим, Ҳадисларда, худди шунингдек, маънавият юлдузларининг таълим – тарбия соҳасидаги қарашларида касбга йўллаш муаммосига алоҳида эътибор берилган.

Ўқувчиларни касбга йўллаш давлат аҳамиятига эга бўлган муаммо.

«Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиш лозим?» гап энг муқаддас ва нозик нарса фарзандларимиз қалби ҳақида, маънавий ва ахлоқий тарбия асосларини яратиш ёш инсонни муайян касбга йўналтириш ҳақида бормоқда».

Ўқувчиларни уларнинг қизиқишларига қараб қўйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга бирон соҳага аниқ қизиқиши сезилиб турган ўсмирлар киради. Улар адабиёт, физика, кимё ва математика фанларига ёки техникага табиатшунослик тўгаракларининг бирон турига мунтазам қатнашиб, ўз севган соҳа бўйича маълум билим, кўникма малакалар ҳосил қилган, мактаб ва мактабдан ташқарии муассасаларда ижодий фаоллик кўрсатган ёшлардир. Бундай ўқувчилар 17-19 фоизни ташкил қилади.

Иккинчи гуруҳни кўпқиррали қизиқишга эга бўлган ўсмирлар ташкил қилади. Улар техникага, санъат ва адабиётнинг бирон тури билан шуғулланиб, ўзи қизиққан соҳага ёндош бўлган ёки унга алоқаси бўлмаган тўгаракларга ҳам қатнашиш истагини билдирадилар. Бундайлар кузатилган ўқувчиларнинг 12 фоизини ташкил этади.

Бирон бир соҳага қизиқиши аниқ бўлмаган ўқувчилар учинчи таъллуқли ёшлар ҳисобланадилар. Бу каби ўқувчиларнинг кўпчилиги «Ўқишдан ташқари вақтларда нима билан шуғулланаса?» «Нималар сени қизитиради?» каби саволларга «Адабиёт, тарих тўгаракларига қатнашяпман, жуғорфия тўгараги машғулотларига қатнашиш истагим бор. Агар қабул қилишса ҳамма тўгаракларга ёзилган бўлар эдим. Ҳозирча фақат футбол секциясига қатнашяпман» деган жавобни беради. Бундай болаларнинг 85-90 фоизи хали мустақил фикрга эга бўлмаган, қизиқишлари тарқоқ, маълум йўналишга кирмаган VI-IX синф ўқувчиси саналади.

Педагогларни олдида турган муҳим вазифа ўқувчиларда аниқ бўлган қизиқишларни янада такомиллаштириш, уни касб танлаш даражасига етказиш; кўп қиррали қизиқишга эга бўлган ўқувчиларда ўзига кўпроқ ёққан соҳани, тўгаракни танлашга амалий ёрдам бериш; қизқишлари тарқоқ, аниқ бўлмаган, келажакда ким бўлишини ҳам кўз олдига тўлиқ келтира олмаган болалар билан турли хил мутахассисликлар, касблар ҳақида қизиқарли суҳбатлар, учрашувлар, баҳс кечалари, экскурсиялар уюштириш орқали дастлабки қизиқишларни намоён қилиш ва кейинчалик уни ривожлантиришдан иборатдир.

Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимидан дарс берадиган ўқитувчилар юқори натижаларга, дарс самарадорлигига эришиш учун албатта қўйидагиларга эътиборни қаратиш керак.

Ўқитувчи;

- замонавий илмий ва маданий тараққиётнинг моҳиятини чуқур тушуна билиши;
- педагогик меҳнатни самарадорлигини таҳлил этиш усулларини билиши;
- педагогик технологияни асл моҳиятини тушуна билиши;

- ўз фани бўйича таълим беришда педагогик технология элементларини қўллай олиши;

- анъанавий дарслар орқали ўқитувчиларнинг якка тартибда (индивидуал) ишлашга эришиш;

- ўқувчиларни мустақил ўқиб ўрганишига, эркин фикрлашга шароит яратиши;

- педагогик технологиялардан фойдаланар экан, ўзи ҳам янгилик яратувчи янги хилма хил услубларни ўйлаб топиши, амалда қўллаши;

- тест топшириқларни ўқувчи фаолияти даражаларига мос ҳолда тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Ўқитувчиларимиз учун бугунги кун талаби мана шулардан иборат. Меҳнат таълими ўқитувчилари дарс давомида турли ишчанлик ўйинларидан фойдаланганда ҳам, турли анъанавий услублар («Касб дарси», «Бахс-мунозаралар», «Ақлий ҳужум», «Зинама-зина», «Таянч сигналлари», Касб йўллаш амалий машғулотлар «Ҳунармандлар майдонига саёҳат»)дан фойдаланганда ҳам маҳорат билан фойдаланиш керак. Шу усуллардан бири «Ҳунармандлар майдонига саёҳат»ни тавсия этмоқчимиз.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

**1.** Дарсларда қандай машғулотлар орқали касб танлаш ишларини олиб бориш имкониятлари мавжуд?

**2.** Касблар билан таништириш методларини ёритиб беринг?

**3.** Корхоналарнинг касб танлашга йўллаш ишларини ташкил этишда ўрни нимадан иборат?

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Танлов ўтказиш.
2. Профессиограмма.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

16. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
17. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
18. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

7 – шакл


Касбий маънавий тарбия
Дарс жараёнида касбий маънавий тарбия бериш
Дарслардаги касбга оид маънавий пауза
Даврий матбуотлардаги, ихтирочилик ахборотномаларидаги ҳунармандчиликка оид янгиликлар билан таништириб бориш. Савол-жавоблар қилиш
Ўтмишимиздаги қадимий ҳунармандларимиз ишлари, мероси, маданияти, мащоратиини видеофилъмлар қўйиб бериш билан кўрсатиш.
Дарсдан ташқарии вақтда маънавий тарбия бериш
Касбий маънавий қадриятлар тавсифидаги рефератлар ёзиш
Аждодларимиз щунармандчилиги, уларнинг ўзига хос касбий маҳорат бўйича баҳслар ўтказиш.
Бичиш, тикиш, кичик корхоналари, хусусий фирмалар ва музейларга саёҳат қилиш.
Касбий йўналишдаги, бичиш-тикиш, хунармандчилик.
Халқ ҳунармандчилиги, бичиш-тикиш, маиший хизмат быйича технологик муаммоларни ҳал қилишга бўлган изланишларни шакллантириш
Ҳар хил – товар белгиси, ҳунармандчилик мосламалари, кашта, сўзана, гилам ва бошқа маиший хизмат воситаларини такомиллаштириш, ихтиро ва илғор фикрларни ишлаб чиқиш.

**11 – маъруза (4 соат)**

## МАВЗУ: МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ.

*«Ёшликдан ўрганган ҳунар,*
*ҳунардан ризқинг унар»*
*(Ўзбек ҳалқ мақоли)*

РЕЖА:

1. Тўгарак машғулотлари.
2. Экскурсияларни ташкил қилиш.
3. Оммавий ахборотларнинг аҳамияти.

**1.** Республикамиз мустақиликка эришганидан сўнг ҳукуматимиз халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги кунда мактабларда, хусусан меҳнат таълими дарслари, машғулотларида, тўгаракларда «устоз» ва «шогирд» анъаналари тикланиб, давом этмоқда.

Кузатишларимизда шу нарса маълум бўлдики, кўпгина ўқувчилар наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, мисгарлик каби халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигига хайриҳоҳдирлар. Шунинг учун улар дарсларда амалий машғулот пайтларида халқимизнинг нодир ҳунармандлари билан боғлиқ бўлган саволлар берадилар. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда мактабнинг меҳнат таълими тўгарагида миллий амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари ўргатилса мақсадга мувофиқ бўлади. (8-шакл)

Тўгаракда халқ ҳунармандчилигига оид ишларни ташкил этишда ва ўтказишда қўйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Ўқувчиларнинг халқ ҳунармандчилигининг қайси соҳасига қизиқишини аниқлаш.

2. Амалий машғулот учун шароит яратиш, кералки асбоб-ускуна ва адабиётларни таъминлаш.

3. Тўгарак машғулотларида ўқувчиларга халқ ҳунармандчилигига оид назарий маълумотларни бериб бориш.

4. Машғулотлар давомида «Устоз» ва «Шогирд» муносабатлари ва муомила маданиятини сингдириб бориш.

5. Амалий ишларнинг кўпроқ нусхада тайёрланишига имконият яратиш. Бунда мактабга тайёрланган ишлар келгуси синфлар қизиқиши, оила учун тайёрланган нусхалар мактаб билан алоқани вужудга келтириш, сотув учун тайёрланган намуналар моддий манфаатдорликни яратишга олиб келади.

6. Тўгарак аъзолари тайёрлаган жува, сандиқча, эшик, дарвоза, турли хил нарсалар қўйиш учун таглик ва шунага ўхшаш ҳунармандчилик буюмларини сотишни йўлга қўйиш.

7. Савдодан тушган даромадни тақсимлаш ва сарфлашни ўргатиб бориш. Ўқувчиларни меҳнат таълими дарсларида олган билим, кўникма ва малакаларини дарсдан сўнг тўгарак машғулотларида қўллайдилар. Улар тўгарак машғулотларида эркин ижод қиладилар, турли хил буюмлар тайёрлашга интиладилар.

Касб ҳунарга йўналтиришни кучайтириш жараёнини такомиллаштириш масалаларини ёритиш учун ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар катта имкониятга эга. Ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқарии машғулотларда амалга оширилаётган касб танлаш ишлари ташкилий шакли ва мазмуни бўйича хилма-хилдир. Мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунарга қизиқишларини тарбиялаш шаклларига алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Экскурсиялар, олимпиадалар, кўрик-танловлар оммавий тавсифга эга бўлиб, ўқувчиларнинг дунеқарашини кенгайтиришга ижодий меҳнат қилиш ҳиссини уйғотишга, чуқур ва турғун ўкув ва касбий қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантиришга имкон берадиган муҳим воситалардир. Бунда V – IX синфларда ўқувчиларни касблар билан кенг ва пухта таништирилиши, қобилиятлари ва жисмоний имкониятларига мувофиқ уларнинг муайян фаолият турига бўлган барқарор қизиқишларини фарқлаш, касбга оид гуруҳ тарзида ва якка тартибда маслаҳатлар ўтказиш, IX-синфни тамомлагандан кейин махсус ўқув юртларига ўқишга беринг хоҳловчи ўқувчиларни ўқув юртини танлашда кўмаклашиши лозим.

Ўқувчиларнинг турли касб-ҳунар асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини шакллантиришда таълимнинг асосий шакли ҳисобланган дарс бу борадаги вазифаларининг барчасини ҳал эта олмайди. Шундай экан, ўқувчиларни касб танлаш, касб-ҳунар асосларини ўрганишга йўналтириш мактабдан ташқари ўқув маънавий-маърифий ишларда оммавий ахборотлар катта аҳамиятга эга. Ушбу фаолиятларда ўқувчи-ёшларнинг вақтини тўғри ташкил қилиш, уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилиши билан бирга уларнинг дарс жараёнида ўзлаштирилган назарий билимларни янада чуқурлаштириш ва амалиётда қўллай олиш кўникмасини қарор топтирувчи жараён саналади.

Ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга асосларини ўрганишга қизиқтириш ва маълум касб (ёки ҳунар) йўналиши бўйича мустақил фаолият олиб боришга тайёрлашда турли касб эгалари иштирокида ташкил этилган учрашувлар, турли касблар ва уларни моҳиятини ёритувчи бадиий адабиётлар, газета ва журналлар кўргазмасини ташкил этиш, меҳнат фахрийлари ва қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларни жамоа асосида ўрганиш, бу борадаги санъат асарлари (кинофильъм, театр ва ҳ.к.) билан таништиришни йўлга қўйиш самарали омил бўла олади. Ниҳоят ўқувчилардан сўраш кўрсатганидек бу соҳада оммавий ахборот воситалари: вақтли матбуот, радио, телевидиние катта ролъ ўйнайди

Ота – боболаримизнинг минг асрлар давомида тўплаган тажрибаларига асосланадиган бўлсак, фарзандларимизга аввал ҳунар ўргатиш, кейин таълим бериш лозимлигини айтганлар. Ривоятларда айтишларича, бир киши фарзандини мадарасага олиб борибди. Ота домлага қараб: «У ҳали ёш-ку, ҳунари йўқ», - деб жавоб берибди, шунда домла: «Аввал ўғлингиз ҳунар ўргансин, кейин илм ўргатаман», - деган экан.

Ҳозирги кунда мактаб таълими ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири меҳнат таълим-тарбияси жараёнида ўқувчиларга ҳунар ўргатишнинг миллий, анъанавий асосларини ишлаб чиқариш уларни амалиётга тадбиқ этишдир.

Бунинг учун авваламбор: «Ҳунар нима»? «Ҳунар, ҳунарманд, ҳунармандчилик деганда нимани тушунасиз»? – деган саволларга жавоб беришингизга тўғри келади.

Ҳунар – инсоннинг муайян тайёргарликни талаб этадиган ва тирикчилик манбаи бўлган меҳнат фаолиятидир.

Ҳунарли – бирор ҳунарни пухта эгаллаган шахс.

Ҳунарманд – бирор ҳунар тури билан шуғулланувчи уста.

Ҳунармандчиликнинг асосий белгилари: бирор ишнинг оддий меҳнат қуроллари ёрдамида бажарилиши ва ишлаб чиқаришнинг якка тартибдалигидир.

Синфдан ташқарии шароитда олиб бориладиган ишлар ўқувчиларнинг қизиқиши, хоҳиш ва истаклари асосида тузилса қўйидаги натижалар қўлга киртилади:

- ўқувчиларнинг аҳлоқий сифатлари бойийди, уларнинг тафаккур даражаси кенгаяди, уларда маълум касб-ҳунар асосларини ўрганишга бўлган қизиқишини орттиради;
- ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллиги юзага келади;
- ўқувчи – ёшларнинг дунё қараши кенгайиб, уларда ижодий меҳнат қилиш туйғуси тарбияланади.
- ўқувчиларда шахсий эҳтиёжи ва қизиқишлари борасидаги, шунингдек, жамият талабларига жавоб бера оладиган касбларни танлаш истаги юзага келади.

Синфдан ташқари шароитда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари қўйидаги талаблар асосида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- синфдан ташқарии тўгарак ишларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда, ўқувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжи, ҳоҳиши, ёш хусусиятлари, ижтимоий тайёргарлик даражаси ҳамда тажрибаси ҳисобга олиниши зарур;
- синфдан ташқарии шароитда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тўгарак ишларини ташкил этишда уларнинг мустақил фаолият юритишлари, ижодий фикрлашларига эришиш муҳим;
- ўқувчилар томонидан қўлга киритилган ютуқларини алоҳида қайд этиб бориш, уларни Рағбарлантириш ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатишлари учун имконият яратишга алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Тўгаракларда ўқувчиларнинг қобилиятларини аниқлаш йўл йўриқлари?
2. Экскурсияларни ташкил этишда касб танлашга йўллаш формалари?
3. Оммавий ахборотларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Ижодий тўгараклар.
2. Техник арказлар.
3. Оммавий ахборот.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
2. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
3. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.


Мактабнинг иш режаси (ы=ув йили бошида)
Педагогик Кенгаш
Директор щузуридаги ишлаб чи=ариш йи\илиши
Кенгаш =арори (Август педагогик Кенгашида)
Касб-щунарга йыналтириш комиссия таркибини сайлаш ва тасди=лаш
Комиссия аъзоларининг вазифалари
Мактабдаги касб-щунарга йыналтириш комиссияси иш режаси
Олиб бориладиган ишларнинг мазмуни
Маъсул ходим
Вазифаларнинг бажарилиши юзасидан маълумотлар
Касб-щунарга йыналтириш комиссияси Кенгаш (щар ойда бир маротаба)
Психологик методика натижавий тахлили
Касб-щунарга йыналтирувчи ходим иш
Касб-щунарга йыналтириш фаолияти
Касб-щунар коллежи щамкорлиги
Синф ращбари, ота-оналар вакили билан олиб борилган ишлар
9-синф ы=увчиларига тавсияномалар бериш (икки ойида)
Кенгаш =арори 1 июл щолатига (10-20 июн орали\ида)
Кенгаш =арори 1 сентябр щолатига (15-25 август орали\ида)
Касб-щунарга йыналтириш комиссия Кенгаш щисоботи (август педагогик Кенгашида)

# МАВЗУ: Талабаларни маънавий-камолот ҳамда миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланганлигини баҳолаш мезони.

**9-шакл.**

Миллий истиқлол ғояси билан тарбияланганлик (миллий истиқлол мафкураси шаклланганлик) савияси

| **I- даражали** | **II-даражали** | **III-даражали** |
| --- | --- | --- |
| **Бащолаш мезони** | **Бащолаш мезони** | **Бащолаш мезони** |
| 1. Мещнат севарлиги<br>2. Иқтисодий тежамкорлиги.<br>3. Халқ мулкига муносабати.<br>4. Ишчанлиги.<br>5. Ташаббускорлиги.<br>6. Ташкилотчилиги.<br>7. Вазиятни тўғри баҳолай олиши. | 1. Ўзига бўлган ишонч.<br>2. Танқидга муносабати.<br>3. Ишни қунт билан бажариши.<br>4. Уддабуронлиги.<br>5. Умуминсоний фазилатлари.<br>6. Жонкуярлиги.<br>7. Сифатлиликка. | 1. Дарс топшриқ ларини бажариш.<br>2. Дид билан кийиниши.<br>3. Кексаларга ёрдам бериши.<br>4. Уй хайвонлари, ысимликларга ғамхўрлиги.<br>5. Ўртоқларга ёрдам бериши.<br>6. Тартиб интизоми |

Талаба (мезон) бандларининг тулииқ бажарилишини «2» рақамии, қисман бажарилишини «1» билан ва бажарилмаганини «0» билан белгилаймиз.

Қуйида ана шу «2», «1», «0» балли баҳолаш мезони моҳияти ва мазмунини ишлаб чиқишни 1 – даражали дастлабки тўртта омил мисолида ишлаб чиқилган намуналарни келтирамиз.

Юқоридаги бизнинг ҳолда миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиянинг шаклланганлигини уни белгиловчи учта даражаси бўйича аниқлашда ҳар даражадаги 7 тадан, жами 21 та талабни эътиборга олганда, унинг тўлиқ бажарилиши учун «2» баллдан 21 х 2 = 42 баллгача эга бўлиши керак ва бу 100 фоизгача тўғри келади.

Агар ушбу талаб 90 фоиз ва ундан юқори бўлса – юқори савияга; 70-89 фоиз – мувофиқ (оптимал) савияга; 50-69 фоиз бўлса – ўртача ва 30-49 фоиз бўлса бошланғич савияга тўғри келади.

**12-маъруза (4 соат)**

**МАВЗУ: Касбга йўналтиришнинг ижтимоий ва психофизиологик асослари.**

*«Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф*
*ўргатмиш ранж ила, айламоқ*
*бўлмас адо онинг минг ганж ила»*
*(А.Навоий*)

**Режа:**

1. Касбга йўналтириш ишларида ижтимоий асослари.
2. Касбга йўналтириш ишларида психологик асослари.
3. Касбга йўналтириш ишларида физиологик асослари.

1. Ҳозирги кунда касб-ҳунарга йўналтириш ишларини амалга оширишда бир қанча муаммоларни бартараф этишимизга тўғри келади. Бизнинг вазифамиз келажагимиз бўлган ўқувчиларни касб-ҳунарга, ижтимоий-иқтисодий билимга эга бўлган, бозор шароитини биладиган ҳар томонлама тушунадиган, маълумотли йигит - қизларни тайёрлаш.

Бу ишлар асосан уч босқичда олиб борилади:

1. Ёшларга дастлабки касб-ҳунар кўникма ва малакаларини оилада, мактабда, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида берилади;

2. Махсус мутахассислик бўйича олийгоҳда ўқиб, тажриба оширади;

3. Олинган билим иш жойида амалий машғулотда малака ошириш жараёнида мустаҳкамланади.

Онгли равишда касб танлаш учун ўқувчиларнинг бир қатор касбларни етарлича билиши, билганда ҳам уларнинг ўзига жалб қиладиган томонларини эмас, балки қийинчиликларини ҳам яхши билиши, ўзининг шахсий сифатларига кўра танланган касбини муваффақиятли эгаллай олиши ва кейинги иш жараёнида ўз малакасини такомиллаштириш талаб қилинади.

Ҳозирги вақтга қадар касбга йўналтириш ишлари етарлича юқори савияда олиб борилади, кўпинча расмий тусда бўлди. Натижада мактабни тамомлаганларнинг касб танлаши тасодифий бўлади. Ёшларнинг кўпчилиги у ёки бу касбни нимадан иборат эканлигини аниқ  тасаввур қилмас эди. Ҳунар-техника билим юртларининг беш мингга яқин ўқувчилари билан савол-жавоб қилинганда шу нарса аниқландики, уларнинг фақат 5% и касбини мактабнинг тавсиясига биноан, 30% ўртоқларининг маслаҳатига кўра, 15%и рўзнома, радио, телевидение орқали берилган эълонларга, қўшнилар, таниш-билишларнинг маслаҳатларига мувофиқ 15%и ота-оналарнинг маслаҳати, 12%и ҳунар-техника билим юртлари ходимларнинг тавсиялари бўйича танланганлар. Албатта, бу маълумотлар ҳар даврда ва ҳар хил минтакаларда объектив ҳолда турлича, аммо шу нарса равшанки, ўқувчиларнинг аксарият кўпчилиги касбларни тасодифий равишда танлайдилар. «Сиз нима учун шу касбни танладингиз? - деган саволга 41,1 % ўқувчи «Бу хақида ўйлаб кўрганим йўқ», - деб жавоб берган.

Касбни англамай туриб, тасодифий англаш шунда намоён бўладки, ўқишнинг дастлабки пайтларида ўқувчи қандайдир қизиқиш билан қарайди. Кейинчалик эса бу қизиқиш сусиб боради. Ҳунар-техника билим юртида биринчи йил ўқиётган ўқувчилардан сўраганда уларнинг 14,9%и, иккинчи йил ўқиётганлардан сўралганда эса 10,7%и танланган касбидан мамнунлигини айтган. Ҳозирги вақтда ёшларни касбга йўналтириш масалалари билан давлат, жамоат ва ёшлар ташкилотлари, саноат корхоналари шуғулланадилар. Бироқ бу ишда мактаб асосий ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда бозор муносабатларини ва узлуксиз таълимга ўтиш муносабати билан мактаб ёшларини онгли равишда касб танлашга, жамият учун фойдали ва зарур бўлган муайян меҳнат фаолиятига тайёрлашда яна ҳам катта ролъ ўйнайди. Ўқувчиларни касбга йўналтириш уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ёндошишни талаб этади бунда шахснинг темпераменти, иродаси, диққати, белигланган мақсадга эришишда қатъийлик,

ташаббускорлик, уюшқоқлик, интизомлик. топширилган ишни бажаришга маъсулият билан муносабатда бўлиш каби фазилатларини эътиборга олиш зарур. Бундан ташқарии, касбга йўналтириш давомида касбни танлаш сабабларини; касбнинг ижтимоий аҳамияти, қизиқиш ва ҳавас, касбга тайёргарлик, оила анъаналари, ота-оналар, педагоглар, ўртоқларнинг маслаҳатини ҳисобга олиш лозим.

2. Ҳар бир ёш даврга, инсонни шахс сифатида шаклланишига ва ақлий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик ташхис масалаларини олиб боради. (9 шакл)да ифодаланган.

Психолог-касбий маслаҳатчи инсонга касбни тўғри танлай олишда ёрдам беради.

Психолог ўқувчиларни касбга йўналтиришда уларнинг қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни психологик текширувда ўтказади ва касбга яроқлигини ташкил қилади, ўқувчининг иқтидорли ўрганади. Ўқувчиларни узоқ вақт ўрганиш натижасида синф раҳбарлари уларнинг ҳар бирига тавсифнома тузадилар. Бундай тавсифнома касб танлаш ва ўқувчига ёки бу касбни танлашни таклиф қилиш учун насос бўлади. Касбга лаёқатликни танлаш махсус комиссия томонидан амалга оширилади. Унга ўқитувчилар, психологлар, ишлаб чиқаришдаги мухандис ёки бошқа мутахассислар, социологлар, врачлар киради. Улар ҳар бир ўқувчга қандай касб танлаш кераклигини айтадилар ва бунинг сабабини асослаб берадилар. Масалан, холерлик темпераментли бола яхши андоза асовчи уста слесаръ бўла олмайди, чунки унга макароннинг ўндан бир улишигача аниқлика эриша бориб, узоқ вақт ўлчов асбобларини ишлаш қийинлик қилади, ёки меланхонлик тез жавоб беришни талаб қиладиган машиналарни бошқаришни муваффақиятли эгаллаб ололмайди. Сезги аъзоларида бирон-бир нуқсони бўлган болаларга бу касбларни тавсия қилиб бўлмайди. Масалан, баъзи ранг-тусларини фарқ қила олмайдиган (далътоник) болани ҳар қандай тарнспорт турини бошқаришга қўйиб бўлмайди. Кўришида шундай камчилиги бўлганлар металлург бўлиб ишлаши мумкин эмас. Вестибуляр аппарати бузилган ўқувчилар учувчи, денгизчи, юқори иншоотлар монтажчиси бўла олмайдилар.

Касб хусусиятларини ва уларнинг тавсияномаларини ўрганиш учун, ҳар бир касб учунпрофессиограмма тузилади. Малака тавсияномалари профессиограммага қўшимча бўлиб хизмат қилади.

Профессиограмма мазмунига тахминан қўйидагилар кириши керак:

1. Мазкур касбдаги мутахассис талаб этилаётган халқ хўжалиги соҳаси тавсифномаси, соҳанинг кадрларга бўлган эҳтиёжи, автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш муносабати билан шу касбдаги ишларнинг ривожланиш истиқболлари.

2. Ихтисослик тавсияномасида тавсия қилинган касбнинг мазмуни, меҳнат обеъктлари, воситалари.

3. Ишчига қўйиладиган талаблар (маъсулият даражаси, ташаббус ва меҳнатнинг ижодий элементлари, ишнинг гигеиник шароитлари, тиббий ва психофизиологик кўрсаткичлари ёки тўғри келмаслигини кўрсатувчи белгилар, аёллар меҳнатини қўллаш мумкинлигини ва бошқалар).

4. Бошланғич ихтиссослик разряди доирасида ўқувчининг муваффақиятли ишлаши учун умумий маълумоти ва касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар (ишлаб чиқариш малакасини янада ошириш ҳисобга олган ҳолда).

5. Меҳнатни ташкил этишнинг иқтисодий шароитлари, меҳнат ҳақ тўлаш системаси.

6. Мазкур касб вакиллари (ишлаб чиқариш новаторалари, илғорлари, меҳнат қаҳрамонлари) нинг биографик маълумотлари.

Ўта маъсулиятли ва иш шароитлари хафли деб таърифланадиган ишлар учун профессиограмма қатор талаблар билан тўлдирилади. Улар узоқ вақт мобайнида тез ишлаш малакасини, қўл бармоқларининг кучини, оёқлар кучини, бармоқларнинг ҳаракатчанлигини; кўз, қўл ва оёқлар мувофиқлигини, ҳар иккала қўлнинг ихтиёрий ҳаракатларини талаб этади.

Профессиограммалар корхоналар ёки махсус муассасалар (кабенитлар, лабораториялар) томонидан тузилади. Уларни ишлаб чиқишда муҳандислар, психологлар, врачлар, ўқитувчилар иштирок этиши керак.

Суҳбатлар ўтказиш йўли билан ўқувчилар проефссиограмма билан батафсил таништирилади. Ўқувчининг алоҳида талаблар қўйиладиган касбларни эгаллаб олишга узил-кесил имконият яралади. Касб танлашда мактабнинг ота-оналар билан мустаҳкам алоқаси катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларда касбга оид қизиқишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги муваффақият кўп жиҳатдан мактаб ва ота-оналарнинг биргаликдаги самарали ишларига боғлиқдир. Ишчилар сулоласи анъаналари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш керак.

Тегишли адабиётлар ўқиш ҳам кўпгина касблар билан танишишда жиддий ёрдам беради. Бундай адабиётлар мактаб кутубхонасида бўлиши керак, албатта.

3. Бўлажак ўқитувчи-педагогик мактабда ўқитувчиларни касбга йўналтириш ишига тайёрлашнинг самараси кўп жиҳатдан уни қай даражада политехнизм тамойили асосида амалга ошириш боғлиқдир. Касбга йўналтириш тамойилларини яратишда қўйидагиларга эътибор берилади:

- онглилик тамойили;
- мос келиш тамойили шахс қизиқишлари, қонуниятлари билан жамият учун зарур касбларга бўлган эхтиёжнинг мос келиши.
- касб танлашда фаоллик тамойили;

Ўқувчининг ўзлигини тушуниши, ўз кучи ва имкониятларини, шу жумладан ўз қобилиятларини тўғри баҳолай билиши, кейин эса шахсий қизиқишлари ва имкониятлари касб талаблари билан солиштириб кўриш касбни муваффаққиятли танлаш шартларидан биридир.

Ватанимизда ва чет элдаги психологик адабиётда ўқувчини шахснинг турли томонларини мустақил баҳолаш, шу жумладан касб танлашда ўз йўлини белгилаш жараёнида қобилиятларини ва касбга лаёқатлилигини мустақил баҳолашни таҳлил қилишга уриниш ҳоллари учраб туради. Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва касбга лаёқатлигини мустақил баҳолашнинг шунингдек микромуҳитни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун қўйидагилар зарур:

1. Ўқувчиларнинг бу фазилатлари ўқитувчилар, ота-оналар, ўртоқлари томонидан таҳлил қилиниши;

2. Меҳнат фаолияти у ёки бу соҳадаги лаёқатлиликни мустақил баҳолаш билан ўқувчиларнинг касбга оид ниятларини анна шу мутақил баҳолашнинг шаклланиш шароитлари ўртасидаги нисбатини аниқлаш;

3. Ўқувчиларнинг мустақил баҳолаши билан ташқаридан берган баҳоларни таққослаш асосида ўқитувчилар, отақоналар, ўртоқлари бахоларининг ўхшашлик даражасини аниқлаш.

Бундай қобилиятларни, мустақил берилган баҳо даражаларини (биринчи, иккинчи, учинчи) ҳисобга олган ҳолда мустақил баҳолашнинг қўйидаги параметрлари (етарли баҳоламаслик, ортиқча баҳо бериш, баҳоларнинг мослиги) бўйича қараб чиқиш керак.

Рейтинг ва муайян қоидаларни қўллаган ҳолда анкеталар орқали сўраш ҳамда ўқувчилар фаолиятида натижаларни ўрганиш методлари билан худди шундай таҳлил ўтказиш зарур.

Қобилиятларни, кейинчалик эса касбга лаёқатлилик мустақил баҳолашнинг шаклланиш шароитларини ўрганиш учун уч типдаги мактабларни: табақалаштирилган таълим ва касбга йўналтириш ишларни бўлмаган мактабларни, табақалаштирилган таълим элементларини ва касбга келтириш ишлари бўлган мактабларни, махсус касбга йўналтириш тадбирлари бўлмаган ҳолда физика-математика йўналишидаги мактабларни олиш даркор.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Касбга йўналтириш ишларида ижтимоий асосларини изохлаб беринг?
2. Касб танлашда психологик жиҳатларнинг аҳамиятини тушинтириб беринг?
3. Касб танлаш жараёнида қайси физиологик хислатларига аҳамият бериш зарур?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Ижтимоий аҳамият.
2. Психофизиологик асос.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


19. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
20. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
21. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

**Шахснинг психологик омиллар.**

**9- шакл.**



**13 – маъруза. (4 соат)**

## МАВЗУ: БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШ ИШИГА ТАЙЁРЛАШ СИСТЕМАСИ.

***«Одами эрсанг демагил одами,***
***Оники йўқ, халқ ғамидан ғами»***
***(А.Навоий)***

**Режа:**

**1. Касб танлашга йўллашнинг таркиби.**
**2. Булажак ўқитувчиларнинг мутахасислигига асосланган холда касбга йуллаш**.

1. Бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиси педагогика олий юрти партасиданоқ, умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, синф раҳбари, тўгарак раҳбари ва мактаб раҳбарларидан бири сифатида ўқувчиларни касб танлашга йўллаш бўйича тайёргарлик олиши керак.

Бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчисини касб танлашга йўллаш бўйича фаолиятга тайёрлаш Олий мактабда ўқитилаётган барча ўқув фанларини касбий-педагогик таълим-тарбия сари қаратиш билан боғлиқ дидактик таъминоти тақазо этади.

Дидактика – (грекча «дидактисос») сўзидан олинган бўлиб ўрнак, сабоқ бўлишлилик каби мазмунларни англатади:

Бўлажак ўқитувчи – педагогни мактабда ўқувчиларни касб танлаш ишига тайёрлашнинг самараси кўп жиҳатдан уни қай даражада политехнизм тамойиллари асосида амалга оширишга боғлиқдир, яъни:

- онглилик тамойили;
- касб танлашда фаоллик тамойили;
- мос келиш тамойили;
- ривожлантириш тамойили;

Касб танлашга йўллаш ўқувчиларга политехик таълим тарбия бериш масаласи билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, политехник таълим халқ хўжалигининг ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий асосларини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларининг истиқболи йўналишларини аниқлашни, бу йўналишларни белгиловчи янги педагогик ва ахборотли технологияларнинг илмий асосларини ўрганишни назарда тутади.

Касбини тўғри танлаш инсонга ўз меҳнатидан моддий ва маънавий қониқиш олиш билан бирга, унинг ижтимоий мавқеининг юксак бўлишини таъминлайди (10-шакл)да ифодаланган.

Касб танлашга йўллаш – умумий ўрта таълим мактабларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Лекин бошқа вазифалар, яъни политехника таълими, дунёқараш асосларини таркиб топтириш, меҳнат тарбияси ва бошқалар хам у билан ёнма-ён туради. Шунинг учун касб танлашга йўллаш системаси бир системачаси сифатида қараб чиқилиши мумкинки, ундан ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг хамма асосий вазифалари ҳал этилади. Масалага бундай ёндашиш касб танлашга йўллашнинг бошқа системалари билан алоқа ўрнатишни уларнинг бир-бирига таъсирини ҳамда мазкур система учун ўзига хос томонларини аниқлашни назарда тутадики, бунинг бутун системаси вазифасига маълум хисса бўлиб қўшилишини таъминлайди.

2. Касб танлашга йўллаш иши барча педагоглар коллективи: мактаб рахбарлари, синф раҳбари, фан ўқитувчилари ва бошқалар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун бўлажак ўқитувчи олий ўқув юртида қандай ихтисослик бўйича тайёргарлик кўришидан қатъи назар, касб танлашга йўллаш ишларини олиб бориши керак.

Ана шу тайёргарликни у келгусида турли йуналишда, яъни:

- фан ўқитувчиси сифатида;

- синф рахбари сифатида;

- мактаб рахбаридан бири (директор, илмий бўлим мудири ёки мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари) сифатида қуллаши мумкин.

Педагогика, илмий-методик адабиётларни халк маорифи органларининг директив ҳужжатларини таҳлил қилиш маълумот олиш мақсадида анкеталар тарқатиш, дарсларни, ўқитувчилар, синф раҳбарларининг синфдан ташқарии тадбирларини кузатиш ва уларни таҳлили ва ҳақазолар уларнинг ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш ишларнинг жуда хилма-хил ва мураккаблигини кўрсатди. Бу ишлар қўйидагилар билан таърифланиши мумкин:

Касб танлашнинг аҳамияти тўғрисида, истеъдод ҳақида қисқача суҳбатлар ўтказади, курснинг программа метариалини ўрганиш, масалалар ечиш, индивидуал топшириқларни лаборатория-амалий ишларни бажариш процессида касбларга қизиқиш уйғотади:

- касб танлашга йўллаш мақсадида ўқувчиларни ўрганади (кузатишлар, суҳбатлар, ўтказади, анкета саволлар тарқатиб ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олади, иншо ёздиради, касб танлашга йўллаш карточкаларини тўлдиради ва ҳаказо);

- ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилади, уларнинг меҳнат натижалирини таҳлил қилади:

- ўқувчиларни тўгарак машғулотларига жалб қилади ва улар учун доклад мавзуларини танлайди. Бу эса мазкур иқтисодий райондаги зарур касблар билан таништиришга имкон беради;

- ўқитувчиларни мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувларни ташкил этади;

- ишлаб чиқариш обеъктларига экскурсиялар уюштиради;

- касб танлашга йўллаш мазмуни билан бойитилган мактаб кечалари, олимпиадалар, конкурслар ташкил этади ва ҳаказо.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Касб танлашга йўллашнинг таркибидаги системасини изохлаб беринг?
2. Касб танлашга йўллашда мутахассислик йўналишда нимага аҳамият беришимиз зарур?

## АДАБИЁТЛАР


1. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш Н.Шодиев. Тошкент, «Ўқитувчи» 1987 йил.
2. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
3. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
4. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

**14-маъруза (2 соат)**

## МАВЗУ: СИНФ РАҲБАРИ.

***«Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,***
***Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,***
***Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,***
***Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш »***
***(А.Навоий)***

**РЕЖА:**

**1. Синф раҳбарининг касб танлашда ўрни.**
**2. Мактаб раҳбарининг касб танлашни ташкил этиши.**
**3. Ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарининг вазифаси.**
**4. Мактабдан ташқарии тарбиявий ишларнинг такомиллаштиришинг иш мазмуни.**

Синф раҳбарининг касб танлашда ўрни:

- махсус синф машгулотлари, йиғлишлари, кечалар, касбларни тўғри танлашнинг аҳамияти ҳақида ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказади;

- анкеталар тарқатиш, кузатиш ва шахсий суҳбатлар йўли билан 8-9 синф ўқувчиларининг қайси касбни танлаш ниятида эканлиги аниқланади;

- ўқувчиларни турли хил меҳнат сохалари ва энг кўп тарқалган касблар, шу жумладан мазкур иқтисодий райондаги касблар билан таништиради; бу ишга ота-оналар. корхона мутахассисларини жалб қилади.

- ўқувчиларни тўгарак ёки факулътатив машғулотларга, касблар бўйича ўқувчилар бригадаларига жалб қилиш йўли билан ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва майлларини ривожлантиришга доир синфдан ташқари тадбирларда иштирок этишига эришади;

- ўқувчиларни ижтимоий – фойдали ишларни ташкил этади ва режалаштиради, ишлаб чиқариш бригадаларига меҳнат ва дам олиш оромгоҳларини ташкил этади;

- касб танлашга йўллаш мақсадида 4-10 синф ўқувчиларининг қизиқиши, майиллари ва қобилиятларини мунтазам равишда ўрганади, кузатиш натижаларини қайд қилади;

- касблар бўйича тўгараклар ва ўқувчилар бригадаларининг раҳбарлари билан биргаликда 8-10 синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналар билан индивидуал суҳбатлар ўтказади. Уларнинг мақсади ҳар бир ўқувчининг касбларни онгли танлаши ва маълумот олишни давом эттириш йўлларини белгилашига ёрдам кўрсатишдан иборат;

2. Директор (директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг ташкилотчиси);

- мактабнинг касб танлашга йўллаш ишларига методик раҳбарлик қилади (табиий-математик ва гуманитар циклдаги фанларнинг ўқитилишида касб танлашга йўллаш элементларини тўғри киритиб бориш мақсадида мактабнинг ўқув – методик бирлашмалари ишини ташкил этади);

- турли синф ўқувчиларини касб танлашга йўллаш (уларга турли касблар тўғрисида билимлар бериш) тадибрларнинг тахминий тематикасини ишлаб чиқади;

- мактаб клублари тармоғини ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали ишлари ва ишлаб чиқариш меҳнатини режалаштиради ва ташкил қилади;

- ўқувчилар ва ота-оналарга касблар тўғрисида билимлар беришга доир синфдан ташқарии тадбирларни амалга оширади;

- индивидуал маслаҳатлар ташкил этади ва ўтказади;

- мактаб (касб танлашга йўлл**ашга** раҳбарлик қилади, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, методик бирлашмаларнинг касб танлашга йўллаш ишлари режасини қараб чиқад ива тасдиқлайди)

3. Талаба ва педагогика олий ўқув юртини тамомлаган мутахассиснинг касб танлашга йўллаш ишига тайёргарлиги ҳақидаги тушунчани киритамиз. Касб танлашга йўллаш ишига тайёргарлик деганда талабаларни бу ишга тайёрлашга доир материалнинг тулииқ мазмунини эгаллашининг миқдор ва сифат даражасини тушунамиз. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш назарияси, касб танлашга йўллаш ишига доир онг-билимлар доираси, касб танлашга йўллашни ўқув-тарбиявий тадбирни ўтказиш методикасини тасввур этиш лозим (15 – шакл)да ифодаланган.

Шу муносабат билан бу тайёргарлик мазмунини ташкил этадиган таркибий қисмларини, яъни педагогика олий ўқув юртини битирган мутахассис мактабга қандай билимлар билан келиши кераклигини ажратиб оламиз.

4. Ҳозирги дидактика фанидан қабул қилинган таълим мазмунининг тўрт компонетли структурасидан фойдаланиб, педагогика университетини битирган мутахассисда билимлар, малака ва кўникмалар (фаолият усуллари), ишга ижодий ёндошиш ҳамда шахснинг касб танлашга йўллашни амалга оширишда зарур бўлган сифатлари бўлиши керак, деб тахмин қиламиз.

Бу компонентлардан ҳар бирини қисқача қараб чиқамиз:

1. Касб танлашга йўллаш муносабати билан ўқитувчининг билимлари турли мақсадга хизмат қилиши керак:

Ишлаб чиқариш, иш турлари ва касблари тўғрисида ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва ишнинг табиий – илмий, техника-технологик ва иқтисодий-ташкилий асосларини акс эттирувчи илмий ва илмий-техник билимлар;

- ишлаб чиқариш, ишлар ва касблар тўғрисидаги касбга оид билимлар;
- касб танлашга йўллаш сохасидаги психологик педагогик ва методик билимлар;
- жамиятнинг мактаб қиладиган демографик проблемалар, меҳнат ресурслари системаси ва ҳаказолар ҳақидаги иқтисодий билимлар.

2. Ўқитувчининг юқорида келтирилган билим группаларига мувофиқ равишдаги хатти-ҳаракат усуллари (кўникма ва малакалари).

3. Ижодий фаолият тажрибаси – педагогика олий ўқув юртида ўз тайёргарлиги бўйича эгаллаган билим ва малакалардан самарали (ижодий) фойдаланишдир.

4. Ўқитувчининг ғоявий эътиқодини ҳамда унинг жамият томонидан юклатилган муҳим вазифаларидан бири сифатида касб танлашга йўллаш амалга оширишга – психологик-аҳлоқий тайёргарлигини таъминловчи шахсий сифатлари.

Шундай қилиб педагогика олий ўқув юртида бўлажак ўқув юртларида бўлажак ўқитувчи касб танлашга йўллаш ишининг юқорида келтирилган йўналишида мувоффақиятли фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мазмунини эгаллаб олиши керак. Касб танлашга йўллаш мураккаб ва комплекс проблема сифатида қатор томонлари, ижтимоий, иқтисодий, психологик, медицина-физиологик томонини ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари билан бўлажак ўқитувчи фақат танишган бўлиши керак, чунки улар буларни (ижтимоий, иқтисодий ва медицина-физиологик) ишлаб чиқишида унинг бевосита иштирок этиши тақазо килмайди. Бошқа томонлари (психологик ва педагогик) ўқитувчилар фақат билимларни эмас, балки тегишли малака ва кўникмаларни талаб этади. Буларсиз бўлажак ўқитувчи касб танлашга йўллаш ишини мувоффақиятли олиб боролмайди.

Касб танлашга йўллашнинг юқорида кўрсатилган томонларини Ю.Васильев батафсил қараб чиққан бўлиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди:

1. Касб танлашга йўллашинг иқтисодий томони ҳозирги вақтда келажакда ижтимоий меҳнат соҳаларига жалб қилинадиган меҳнат ресурсларининг демографик тузилишини; мехнатнинг касблар бўйича тақсимланишидаги, касб ихтисослигининг ўзгаришидаги (масалан ишчи кучига бўлган талаб муносабати билан) асосий тенденцияларни; саноат тармоқларининг территориал жойлаштирилиши асосида; касблар, ихтисосликлар бўйича ишчи кучига бўлган кундалик ва келгусидаги талабларни; касб танлашга йўллашнинг иқтисодий самарадорлигини назарда тутади.

2. Касб танлашнинг ижтимоий томони қуйидагиларни, яъни илмий-техника тараққиёти ва ижтимоий тараққиёт талабларни (булар ёшларнинг касб танлашга йўналишини таркиб топтириш процессида ҳисобга олиниши керак); жамоатчилик фикрини келтириб чиқарадиган, турли касбларнинг ижтимоий обрўйсини ҳосил қиладиган сабабларини; кадрларнинг ишлаб чиқаришдаги муқим ўрнашиб қолишига ёрдам берадиган ижтимоий ва ахлоқий факторларни ўз ичига олади.

3. Касб танлашга йўллашнинг психологик томони шахснинг касби нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган хусусиятларини; иш ва касбларнинг турли типларини; касбга лаёқатлилигининг психологик моҳияти ва уни шакллантиришнинг мумкин бўлган йўлларини ўрганишни назарда тутади.

4. Проблеманинг педагогик томони ёшларнинг касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш мақсадида улар ўртасида олиб борилаётган ўқув ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда воситаларини белгилашни; ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатига психологик жиҳатдан тайёргарлик шароитларини ва мактабнинг касб танлашга йўллаш ишидаги тарбиявий фаолияти имкониятларини ўрганишни ўз ичига олади.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Синф рахбари қайси ўқув машғулотлар ва дарсдан ташқарида тадбирларни амалга оширади?
2. Мактаб рахбарининг иш режаси нимадан иборат?
3. Мактаб рахбарининг ўринбосарлари касб танлашга йўллашда ўрни?

## АДАБИЁТЛАР:

1. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш Н.Шодиев. Тошкент, «Ўқитувчи» 1987 йил.
2. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
3. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
4. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

**15-шакл.**

## Кўрик мусобақа ўқув – тарбиявий тадбирни ўтказиш методикаси



**15-маърўза. (4 соат)**

## МАВЗУ: ТАЛАБАЛАРНИ КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШ ИШИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МАЗМУНИ.

**Режа:**

**1. Ижтимоий-сиёсий циклдаги фанларини ўрганишда талабаларни касб танлашга йўллаш ишига ғоявий – назарий жиҳатдан тайёрлаш.**
**2. Бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш жараёнидан ўқув режаси билан танишиш.**
**3. Ўқув дастурларида касб танлашга йўллаш тарбиявий имкониятлар.**
**4. Ижтимоий – сиёсий циклдаги фанларни ўрганишда талабаларни касб танлашга йўллаш ишига ғоявий – назарий жиҳатдан тайёрлаш.**

Ўқув процессида талабаларни мустақил руҳда тарбиялаш асосан ижтимоий-сиёсий фанлар цикли зиммасига, уларни тарбиявий ишга тайёрлаш эса психологик-педагогик фанлар ва хусусий методлар зиммасига юклатилади. Ўқитувчининг ёшларнинг маънавий мураббийси роли ортиб бориши билан унинг ўзига ғоявий эътиқоди ва уни тарбиячиси сифатида тайёрлаш характерига юксак талаблар қўйилади. Шунинг учун ўқитувчи – тарбиячининг тайёргарлигига юқорида кўрсатилганидек ёндашиш етарли эмас, чунки бўлажак ўқитувчиларда тарбиявий функцияларни таркиб топтиришда табиий – математик ихтисосни берувчи фанларнинг тарбиявий имкониятларни ҳисобга олинмаган.

Ваҳоланки, мутахассислигига доир билим берувчи машғулотларда бўлажак ўқитувчи бир томондан, ўзининг келгуси фаолияти учун зарур бўлган илмий билимлар мажмуини эгаллаб олади, иккинчи томондан, ана шу конкрет билимлар асосида уларда шахсий сифатлар: дунеқараш, маънавий қиёфа шаклланади.

«….Ҳозир ҳар бир ўқитувчи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ даражада, тарбиячи бўлиши керак» деган сўзлар ҳозирги шароитда айниқса актуал жаранглайди.

Бўлажак ўқитувчи педагогика олий ўқув юртида табиат ва билиш назариясига, жамиятга таъллуқли иккита параллел ва ўзаро бир-бирини тўлдирадиган жуда кўп билимларни эгаллаб ва уларни ўзининг амалий фаолиятида қўллаб, ўқувчиларда воқеликка диалектик – материалистик ёндашиш ҳамда табиат ва жамият ҳодисаларини улар нуқтаи назаридан анализ қилиш малакаларини таркиб топтириши керак.

Ўқув программаларининг тарбиявий имкониятларидан янада кенг фойдаланиш мақсадида ижтимоий фанларни касбига доир билим берувчи курслар билан боғланиш зарур. Бу фақат юқори курс талабаларида эмас, балки курс талабаларида ҳам ижтимоий фанларнинг қонуниятларини ўз ихтисослигида ихтисослик берувчи фан проблемаларида ижодий қўллаш кўникмалари ҳосил қилади, уларни чуқуроқ ўрганиш штиёқини оширади. Бундай алоқани амалга ошириш бўлажак ўқитувчиларни касб танлашга йўллаш ишига тайёрлашда ҳам фойдали, чунки маълум бир фан доирасида талабаларга ўқитувчиларни касб танлашга йўллашдек мураккаб пролеманинг ҳамма томонларини очиб бериш мумкин эмас. Масалан, табиий-илмий циклдаги фанларни ўқитишда ишлаб чиқаришнинг илмий, илмий-техник асосларини, турли касбларнинг мазмуни ва ишлаш шароитларини яққол ёритиш мумкин бўлса, ижтимоий-иқтисодий томонларини очиб бериш зарур. Ижтимоий фанларнинг касбига доир билим берувчи фанлар билан алоқасини амалда рўёбга чиқариш тегишли кафедра ўқитувчиларининг биргаликдаги ишларини режалаштиришни назарда тутади. Бунинг учун эса тегишли тайёргарлик зарур, яъни ижтимоий кафедра ўқитувилари касбига доир билим берувчи фанлар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиши, аксинча, бу фанлар ўқитувчилари ўрганилаётган ҳодисаларга диалектик ёндашиш кўникма ва малакаларини эгаллаши, бу малакаларни бўлажак ўқитувчиларга сингдира билиши керак.

Бўлажак ўқитувчининг юксак даражадаги сиёсий онглилиги, унинг келгусида ўқувчиларни касб танлашга йўллаш иши самарадорлигини белгилаб беради. Ўқув режасига мувофиқ педагогика Университетида ўқиш муддати тўрт йил бўлганда иккинчи

курсда, ўқиш муддати беш йил бўлганда учинчи курс ўрганилади. Бу вақтга келиб, ихтисослиу бўйича билим берувчи фанларни ўрганиш эндигина боғланган ёки давом этаётган бўлади. Масалан: «Физика» № 2105 ихтисослиги учун умумий физика курсининг фақат биринчи қисми – «Механика» ни ўрганиш тугалланади. Бинобарин, қўйи курс талабалари етарли даражадаги махсус билимлар запасига эга бўлмаган ва ихтисослиги бўйича етарли назарий тайёргарлик кўрмаган ҳолда шу фанни ўрганишга киришадилар. Ваҳоланки, диалектик материализм ўқув программасининг мазмуни уларнинг тайёргарлиги кўрган бўлишини тақазо қилади. Масалан инкорни инкор қонунни ўрганишда бўлажак математика ўқитувчиларига эвклид ва ноэвклид геометрия моҳиятини тушунишда диалектрик материализмнинг методологик вазифасини кўрсатиб бериш муҳимдир. Талабаларнинг ўз ихтисослиги бўйича билим берувчи фанлардан тегишли мисолларни ўрганишдан олдин уларга инкорни инкор қонунни мазмунини қандай қилиб очиб бериш мумкин. Кўпчилик ўқитувчилар бу қонунни таҳлил қилишда эвклид геометрия фани ривожланишининг янги мазмун билан бойитади ва чуқурлаштиради, бўлажак математик ўқитувчиларни жуда мураккаб, баъзан хато қарама-қарши факт, ходисаларни илмий таҳлил қилиш ва уларга диалектик ёндошиш методлари билан қуроллантиради.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ижтимоий – сиёсий циклга кирган фанларни изохлаб беринг?
2. Ўқув режасидаги фанларнинг касб танлашга йўллаш бўйича ишларни ташкил этиш имкониятлари?
3. Ўқув дастурларини тузиш жараёнида касб танлашга йўллашда аҳамиятини очиб беринг?

## АДАБИЁТЛАР:

1. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш.
2. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
3. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
4. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

.

**16-маъруза (2 соат)**

## МАВЗУ: ТАЛАБАЛАРНИ КАСБГА ЙЎЛЛАШ СИСТЕМАСИДАГИ МАХСУС ВА УМУМИЙ КАСБИЙ ФАНЛАРИ.

***«Агар инсон бирор касбни мукаммал эгалласа,***
***меҳнат унга ҳузур бағишлайди, бахт келтиради»***
***(Буюк мутаффакирлар)***

**РЕЖА:**

**1. Талабаларнинг касбга йўллаш системасидаги махсус бўлимдаги фанлар.**
**2. Талабаларни касбга йўллаш системасидаги умум касб бўлимдаги фанлар.**

1. Бизнинг мақсадимиз мустақил давлатимиз ҳар бир авлодни баркамол ва ўз касбининг рақобатбардор устаси этиб тайёрлашдан иборатдир. Бунинг учун талабаларда меҳнат таълими йўналиш бўйича умум касб ва махсус фанлар йўналиши бўйича умум касб ва махсус фанларида ўзига ёққан касбга қатъий қизиқиш ҳосил қилиш учун зарур умум касбий маълумотлар билан таништирилмоғи лозим.

Ўқитувчи олдига талабалар билан касбга йўллашга доир ишларни олиб боришни у ёки бу даражада кўндаланг қилиб қўядиган умум касб фанлари дастурлари орасида «Умум махсус» фанлар курсининг дастурини, «Техник ижодкорлик ва дизайн», «Ҳисоблаш техникаси элементлари», «Радиотехника» курслари дастурларини қайд қилиб ўтиши мумкин. Талабаларни касбга йўллаш ишига тайёрлаш масалалари «Умум техник ва касб фанлари» комплекс курсида аниқроқ шакллантирилган. «Умум техник ва касб фанлари» курсида «Конструкцион материаллар технологияси» кўпроқ даражада касбга йўналтиришда ёрдам беради. Бу дастурнинг қўйидаги темаларида очиб берилиши мумкин.

1. Кириш. Конструкцион материаллар технологиясининг технологик фанлар, меҳнат политехник таълим билан алоқаси.

2.Қора рангли металларни ишлаб чиқариш. Домна печининг тузилиши. Домна печ цехининг структураси. Домна жараёнин автоматлаштириш ва интенсификациялаш.

1. Загатовкаларни тайёрлаш усуллари. Қўймакорлик. Қўймакорлик технологияси.

2. Металларга механик ишлов бериш асослари. Асосий метал қирқувчи станоклар: пармалаш, фрезерлик пардозлайдиган станоклар ва улардан фойдаланиладиган соҳалар.

3. Экскурсиялар. Машинасозлик ёки металл қўювчи завод (цех) га. Машина йиғувчи ёки ремонт заводига.

Юқорида биз саноатнинг турли тармоқларини (қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлга ишлов бериш), ишлаб чиқариш жараённинг техникаси ва технологияси, қора ва рангли металлургия соҳасида олимларнинг роли, пайвандлаш (саврка), ишлаб чиқариш жиҳозлари ҳамда технологияси ва бошқаларни кўрсатиб ўтдик. Бу ҳол меҳнат таълими ўқитувчиларига ўз фанига ўқувчиларни касб танлашга йўллашда унумли меҳнат билан боғлашни амалга ошириш имкониятини яратади ва улар:- Ўқувчиларнинг умум касбий назариясини пухта билиб олишга эришишдир, улар умум касб фанларини яхлитда қўллашни ўргатадилар.

«Техник – ижодкорлик ва дизайин» курсининг ўқув режаси ўз олдига қўйган мақсади бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисини политехник таълим системасида касбий тайёргарлигини таъминлаш бўлиб, у ўз навбатда меҳнат таълимини тубдан яхшилашга, ўқувчиларни ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнатига тайёрлашни такомиллаштириш лозим. (14 - шаклда) ифодаланган

Бу курснинг кириш қисмида «Мактаб ўқувчиларининг политехник ва меҳнат таълимини амалга ошириш, ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш бригадалари ёки мактаб ўқув тажриба участкасидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш ўқувчиларни қишлоқ хужалик касблари бўйича касбга йўллашни амалга ошириш, мактабда қишлоқ хужалик

бўйича факулътатив курсларни ўрганишни амалга ошириш учун қишлоқ хужалик асосларини билиш зарур» деб таъкидланади.

Меҳнат таълими йўналиши бўйича қишлок хўжалик асосларини барча бўлимларини ўрганиш фақат талабаларнинг қишлоқ хўжалик тайёргарликларигина эмас, балки уларни ўқувчиларни касбга йўллаш ишига тайёрлашга ҳам ёрдам бериши керак.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини меҳнат ва касб-ҳунарга тайёрлаш, мустақил ҳаётга йўллашдаги муҳим ишлардан бири, мактабларда меҳнат таълими йўналиш бўйича ўтиладиган меҳнат дарсларининг савияси ва самарадорлигини оширишдир. Бу мақсадда ўқитишнинг турли хил илғор шакл ва усулларидан оқилона янги педагогик технологияси асосида «Зинама-зина», «Ақлий ҳужум» дан фойдаланиш талабаларнинг ижодий фикр юритиш қобилиятларини ривожлантиришга, меҳнат малакларини такомиллаштиришга имкон беради.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Умум махсус фанларининг мазмунида касбга йўналтириш ишларига оид масалалар.
2. Умум техник ва касб фанларини ўрганишда умум мухандистлик формаларини шакллантириш йўллари.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Студентларга ўқувчиларга касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. Н.Шодиев Тошкент «Ўқитувчи» 1987 йил.
2. К.Давлатов, В.Чичков. “Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш” Тошкент “Ўқитувчи” 1978 йил.
3. С.У. Клюга, С.Н. Чистякова «Касб танлаш” курси методикаси. Тошкент «Ўқитувчи” 1989 йил
4. Н.Шодиев «Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўрганиш” Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил.

А.КОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**«ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА» ФАКУЛЪТЕТИ**

**«КАСБ ТАЪЛИМИ» БУЛИМИ**

**«МЕХНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ УКИТИШ УСЛУБИЯТИ» КАФЕДРАСИ**

**«КАСБ ТАНЛАШГА ЙУЛЛАШ» ФАНИДАН**

# ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ ТУПЛАМИ

Жиззах - 2007

# ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 1

## МАВЗУ: Укувчиларни касбга йуллашда халк хужалигида касблар ва уларнинг классификацияси билан таништириш.

Ишнинг максади: Укувчиларни касблар билан таништириш гурухларга ажратиш ва классификациялаш куникма билан куроллантириш. Муайян типдаги касбга мойилликни аниклаш. Уз профиссионал мавкеини белгилаш муаммосига кизикишини ошириш.

Машгулотни жихозлаш: «Касбларнинг тармокли кллассификация» схемаси. Уз майилларини бахолаш картаси.

### Иш тугрисида назарий тушунча.

Укувчиларни Республикамизнинг халк хужалиги касблар билан таништиришда энг мухим тармок. Касблари ва халк хужалиги комплексларининг (машинасозлик, ёкилги-энергетика, озик-овкат саноати, кишлок хужалиги ва хаказолар) вазифаси ва составии хакидаги, сунги йиллардаги халк хужалигидаги янги-янги касбларнинг юзага келиши ва хужалик структурадаги руй берган прогрессив узгаришлар хакида маълумотларни билиб олишлари лозим. Укитувчи ишлаб чикаришнинг умуман халк хужалигининг асосий касблари хакида укув материалини танлашда укувчилар мамлакатимиз халк хужалигининг тармокларидаги касблар билан батафсил танишишларини, шунинг учун бу ерда уларга халк хужалигининг касблари хакида факат умумий маълумотлар бериш, айрим холларда касбларни шунчаки синаб чикиш билан кифояланиб кормасдан балки уларнинг асосий зарурий булган турлари билан укувчиларни чукуррок таништириш максадга мувофикдир.

Бизга маълумки куп тармокли халк хужалигидаги касблар турли туман булиб, уларни куйидагича классификациялаймиз:

- бажариладиган ишларнинг кенглиги ва хилма-хиллиги;
- Мехнат куролларини куллаш характерига караб;
- Муайян тармокка алокадорлиги караб;
- Соддалаштириб классификациялаш оркали.

У турли тармок гурухлари огир саноат, кора металлургия, рангли металлургия, ёнилги саноати ва кумир, нефт, электр энергияси ва иссиклик энергияси ишлаб чикариш, машинасозлик ва металлни кайта ишлаш, химия саноати, озик-овкат саноати, савдо ва умумий овкатланиш, коммунал хужалиги ва ахолига хизмат курсатиш, кишлок хужалиги, транспорт алока, курилиш энергитика ва бошкаларни уз ичига олади.

Укувчиларга халк хужалиги хар бир тармоги моддий бойликлар ишлаб чикаришнинг айрим турларига булинишни уктириш керак.

Масалан, кишлок хужалик сохаси:

- дехкончилик;
- чорвачиликни уз ичига олади.

Дехкончилик уз навбатида:

- дон хужалиги техник экинлари ишлаб чикариш
- ем-хашак ишлаб чикариш;
- сабзавотчилик;
- богбончилик;
- узумчилик ва хаказоларни.

Чорвачилик эса:

- корамолчилик (сут ва гушт);
- куйчилик;
